



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ**

**АХБОРОТНОМАСИ**

**№4(10)**  
**2004**

ТОШКЕНТ — 2004

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси  
АХБОРОТНОМАСИ**

2004 № 4 (10)

*1999 йилдан чиқа бошлаган*

**МУАССИС — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ**

**Материаллар ҳар бир сонда ўзбек ва рус тилларида босилади**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ РАИСИ**

**Бўритош МУСТАФАЕВ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

Ҳабибулла АВЕЗОВ

Комилжон АДИЛОВ

Ҳасан БЎРИЕВ

Иван КЕЛЕШ

Ойбек СОАТОВ

Жанабай САДИКОВ

Бобоқул ТОШЕВ

Сайёра ХОДЖАЕВА

Темур ШИРИНОВ

Комилжон ЮСУПОВ

Садикжон КАСИМОВ

Шерзод ҚУДРАТХЎЖАЕВ

**БОШ МУҲАРРИР**

**Низомиддин НУРМАТОВ**

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

Тошкент шаҳри,  
Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 1.  
Телефон: 139-43-91

Босишга рухсат этилди 2004.12.12. Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>8</sub>.  
Офсет босма. Шартли б.т. 13,5. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 170.  
«ARNAPRINT» масъулияти чекланган жамиятида  
саҳифаланиб, чоп этилди. 700182, Тошкент ш,  
Ҳ. Бойқаро, 51.

**МУНДАРИЖА**

3	Б. Мустафаев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов бўйича сайлов кампанияси тўғрисида
8	Т. Даминов. Куч адолатдадир
11	Х. Дўстмуҳамедов. Қонунчилик салоҳияти
14	А. Саидов. Ўзбекистон сайлов тизимида фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари
19	М. Аҳмеджонов. Ҳокимиятда иштирок этиш — халққа хизмат қилиш воситаси
24	А. Турсунов. Сайловларда иштирок этиш ва сайловолди ташвиқоти маданияти
31	А. Рустамов. Парламентни ислоҳ қилиш шароитида сайловларга тайёрланиш
<b>РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР</b>	
34	«Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
35	«Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
36	«Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
37	«Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
38	«Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
39	«Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда сайлов участкаларини тузиш ва сайлов округига бириктириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
41	«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга тегишли айрим қоидаларини амалга оширишга доир масалалар ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
43	«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
48	«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов варақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори
54	Хабарлар

**БЎРИТОШ МУСТАФАЕВ,**  
*Ўзбекистон Республикаси Марказий  
сайлов комиссияси раиси*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ТЎҒРИСИДА**

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг конституциявий ваколат муддатлари тугаётганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмига асосан, 2004 йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида, яъни 2004 йилнинг 26 декабрида сайлов ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддаси, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 19-моддасига амал қилиб, Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси 2004 йилнинг 20 сентябридан бошланганлигини эълон қилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат бўлади. Депутатлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Битта сайлов округи учун сайловчилар нормаси ўртача 119 минг 600 сайловчи ҳисобидан белгиланди.

Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов округлари тузилиб, уларнинг рўйхати округ чегаралари ва сайловчилар сони кўрсатилган ҳолда шу йилнинг 9 октябрида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон этилди. 15 октябрда округ сайлов комиссияларининг шахсий таркиби тасдиқланди.

Округ сайлов комиссияларининг шахсий таркибини тасдиқлашда сайлов комиссиялари аъзолигига ҳолис, жамоатчиликнинг обрўли вакилларини танлаб олинишига алоҳида эътибор қаратилди. Тузилган 120 округ сайлов комиссияларининг сифат таркиби қуйидагича: жами комиссиялар таркиби 1334 киши, шундан 292 нафари хотин-қизлар, 1167 нафари олий маълумотли мутахассислар, 13 нафари фан докторлари, 29 нафари фан номзодлари. Комиссия аъзоларининг 41 нафари тожиклар, 33 нафари қорақалпоқлар, 26 нафари қозоқлар, 14 нафари руслар, 10 нафари татарлар, комиссиялар таркибида Ўзбекистонда истиқомат қиладиган 14 миллат вакиллари бор.

Округ сайлов комиссиялари раислари иштирокида 22 октябрь куни семинар-тренинг ўтказилди, уларга сайлов ўтказиш учун лозим бўлган барча сайлов ҳужжатларининг намуналари топширилди.

Округ сайлов комиссиялари қонун талаблари асосида сайлов участкаларини туздилар. Сайлов участкаларини тузишда сайловчиларга овоз бериш учун қулай шарт-шароитлар яратиш асосий мезон ҳисобланади. Сайлов участкалари камида 20 ва кўпи билан 3000 сайловчидан иборат этиб тузилди.

Адлия вазирлигининг Марказий сайлов комиссиясига тақдим этган маълумотномасига мувофиқ мамлакатимизда бешта сиёсий партия сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Улар, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Қонуннинг 21-моддасига биноан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этиш учун:

1. Партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда қатнашиш тўғрисидаги ариза;

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномаси;

3. Имзо варақаларини қонунда белгиланган муддатларда Марказий сайлов комиссиясига топширдилар.

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг му-тахассисларидан иборат таркибда ишчи гуруҳи тузилди. Тўпланган ҳужжатлар, ишчи гуруҳи хулосаси Марказий сайлов комиссияси мажлисида муҳокама этилиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига, Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясига, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига сайловда иштирок этишга ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддасига биноан сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида уч юз нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага:

1. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг рўйхати;

2. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози;

3. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси илова қилинади.

Депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Сиёсий партиянинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодларни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага:

1. Сиёсий партия юқори органининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарори;
2. Сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси;
3. Депутатликка номзоднинг ўз номзоди тегишли сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;
4. Депутатликка номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси илова қилинади.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Манфаатдор ташкилотлар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўз кузатувчилари тўғрисида Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссияларига 2004 йилнинг 11 декабрига қадар маълум қилишлари лозим.

Участка сайлов комиссиялари сайловчиларнинг рўйхатларини ҳамма танишиб чиқиши учун 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда тузилган сайлов участкаларида эса 2004 йилнинг 19 декабрига қадар тақдим қиладилар, 16 декабрга қадар сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор этадилар.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар рўйхатга олинган кундан бошланади ва 25 декабрда тугалланади. Овоз бериш 26 декабрь куни соат 6.00 дан соат 20.00 гача ўтказилади.

Участка сайлов комиссиялари 26 декабрь куни овоз бериш тугагач овоз бериш яқунларини аниқлашга киришадилар, участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилиши натижалари бўйича баённома тузадилар ва уни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этадилар.

Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар асосида сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайдилар ва баённомани Марказий сайлов комиссиясига 31 декабрга қадар белгиланган тартибда тақдим этадилар.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов яқунлари тўғрисидаги хабар ҳамда сайланган депутатларнинг рўйхати Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда 2005 йилнинг 5 январига қадар эълон қилинади.

Агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлиб, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади. Такрорий овоз бериш икки ҳафта ичида ўтказилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Агар сайлов округида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса ёки такрорий овоз бериш Қонунчилик палатасига депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаган бўлса ёхуд сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, Қонунчилик палатаси депутатининг шу округда такрорий сайлови ўтказилади.

Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови асосий сайловдан кейин кўпи билан бир ойлик муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилади.

Олий Мажлиснинг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан, улар сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай, яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган депутати Сенат аъзолигига номзод бўлиши мумкин.

Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ депутатларнинг қўшма мажлисида очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгаши сайланади. Оқсоқоллар кенгаши раис ва депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган энг обрўли, ёши энг улур депутатлардан ва қоида тариқасида тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг ҳар биридан бир вакилдан иборат таркибда сайланади.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти давлат ҳокимияти вакиллик органларининг мажлисда ҳозир бўлган депутатларининг эллик фоизидан ортиғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённомалар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг, шунингдек Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларининг сайлови тўғрисидаги қарорлари устидан қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят берилиши мумкин.

Агар сайлов ҳақиқий эмас деб топилган бўлса Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи билан ўн беш кунлик муддат ичида такрорий сайлов ўтказилади. Сайланмай қолган миқдордаги Сенат аъзолиги учун ҳам такрорий сайлов ўтказилади.

**ТУРҒУНПЎЛАТ ДАМИНОВ,**  
*Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси*  
*Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби, тиббиёт*  
*фанлари доктори, профессор, академик*

## **КУЧ АДОЛАТДАДИР**

XXI аср шу билан ажралиб турадики, демократик ривожланиш қадриятлари, принциплари ва нормалари, адолат ғоялари нақадар универсал ҳисобланиб, уларнинг зарурати ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан босқичма-босқич, изчиллик билан бормоқда. Демократик тамоёиллар кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва маҳаллалар институтлари ҳам ривож топмоқда. Фуқароларимиз давлат ва жамият бошқарувида кенгроқ иштирок этмоқдалар. Шу ўринда жамиятимиз ҳаётига кўппартиявийлик ҳам тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Шу боисдан ҳам сиёсий партияларнинг жамиятимиздаги аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 1995 йил 18 февралда ташкил топган. Ҳозирги пайтда унинг сафларида элик мингдан зиёд аъзолари бор. Мамлакатимиз парламентида партиямиз фракцияси мавжуд. Бундан ташқари, партиямиз матбуот нашри — «Адолат» газетаси фаоллик кўрсатмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, «Адолат» партиясининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз ўрни бор.

Бундан ташқари, кун сайин партиямиз тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Чунки партиямиз том маънода адолат учун кураш олиб бормоқда. Адолат эса ҳамма замонларда ҳар қандай фуқаролик жамиятининг асосий мазмунини ташкил қилган. Айнан шу омил халқимизнинг партиямизга бўлган ишончини изоҳлайди.

«Адолат» социал-демократик партияси аҳолининг кенг табақаларига таянади, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини қонунчилик йўли билан ифода этишга интилади, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилишга кўмаклашади, уларнинг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Партиямиз социал-демократиянинг асосий принципларига амал қилади:

- жамиятни, давлатни, иқтисодиётни, ижтимоий сиёсатни демократлаштириш ва бюрократлаштиришдан ҳоли этиш лозимлиги;
- шахснинг эркин ривожланиши;
- одамзод мавжудотига хос ҳурлик, адолат, тенглик каби қадриятларга амал қилиш;
- инсон ҳуқуқларига риоя қилиш;
- қонун устуворлигини таъминлаш;
- жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;



- умумфуқаровий ҳамжиҳатликка эришиш;
- ишсизликка, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, жамиятнинг ахлоқ-одоб, маънавий жиҳатдан баркамол бўлишига интилиш;
- ёш давлатларнинг миллий-маданий ва сиёсий анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш;
- иқтисодиёт соҳасида демократик назоратни таъминлаш;
- одамзоднинг экологик эҳтиёжларини ҳисобга олиш;
- мустаҳкам тинчликни асраш, дунёда ядровий қуролларнинг қисқартирилишини, космос қуроллардан ҳоли бўлишини қўллаб-қувватлаш.

Бу йил биз икки палатали парламентга ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайлов арафасида турганлигимиз муносабати билан вилоятлар, туман ва шаҳарлардаги партия ташкилотларини мустаҳкамлаш бўйича муайян ишларни амалга оширдик. Чунки бўлажак сайловлар ҳар бир сиёсий партия учун жиддий синов ҳисобланади. Бизнинг асосий мақсадимиз — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларида мумкин қадар кўпроқ ўринларга эга бўлиш.

Ушбу мақсадга эришиш учун биз илгариги парламент сайловида сайловолди курашидаги ўз тажрибамизни таҳлил қилдик, ўзимизнинг сайловолди кураши стратегиясини ишлаб чиқдик, фуқароларимиз манфаатларининг ўзига хос хусусиятларини ва партиямиз обрўсини оширишга хизмат қиладиган бошқа омилларни ҳисобга олмоқдамиз.

Социал-демократия жамиятда тенгсизликни келтириб чиқарувчи қашшоқликка, ишсизликка, бирор бир миллат ёки ижтимоий гуруҳнинг бошқаси томонидан таъқиб қилинишига, инсон ҳуқуқлари поймол қилинишига қарши чиқиб, ер юзида адолат тамойилларининг қарор топиши учун кураш олиб боради.

Ҳозирги пайтда Социал-демократияга кирган 28 партия мустақил равишда ёки бошқа партиялар билан биргаликда коалицияда ўз давлатларини ёки ҳукуматларини бошқариб турибди. Аксарият ҳолларда улар ўз халқлари турмуш даражасининг юксалишига, плюралистик демократиянинг жамият ҳаётига амалда жорий этилишига эришмоқдалар. Бунга Норвегия, Швеция, Дания, Германия, Франция ва Европанинг бошқа бир қанча давлатларида ҳукмронлик қилаётган социал-демократик ҳукуматлар мисол бўлади.

Социал-демократиянинг бу қадар юқори мавқега эга бўлишида унинг атоқли арбоблари — Вилли Брандт, Улаф Пальме, Тони Блэр, Герхардт Шрёдер, Беназир Бухутто ва социал-демократик ҳаракат бошқа йирик намояндаларининг роли ниҳоятда каттадир. Социал-демократик ҳаракати партияларнинг сиёсий фаолиятидаги ютуқлари Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси учун ҳам бой тажриба мактабидир. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш шароитида мустақил Ўзбекистонда умуминсоний қадриятларга асосланган социал-демократик қарашлар ва ғояларнинг ижобий тажрибасидан фойдаланиш ижтимоий тараққиёт йўлидаги муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

«Адолат» социал-демократик партиясининг бош мақсади мустақилликни мустаҳкамлашга, ислоҳотларнинг жадаллашувига, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга ва пировардида Ўзбекистоннинг жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишдек олийжаноб ишга муносиб ҳисса қўшишдан иборатдир.

Сиёсий адолат, иқтисодий адолат ва ижтимоий адолат тамойиллари партиямиз ғоявий асоси бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий адолат тамойили фуқаролик ҳуқуқи ва сиёсий эркинлик, яъни виждон, сўз, матбуот эркинлигини, шунингдек, ҳамма учун баробар бўлган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини, қонун олдида тенгликни ўз ичига олади.

Иқтисодий адолат тамойили жамиятда ҳамма турдаги мулкчилик шакллари, шу жумладан, давлат, жамоат, хусусий шаклларида тенглигини таъминлашни, шунингдек, рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқишни, тадбиркорлик ривож топиши учун тегишли шарт-шароит яратишни назарда тутди.

Ижтимоий адолат жамиятнинг барча аъзоларига ўз қобилиятларини амалга ошириш учун ва меҳнат улуши миқдорига мувофиқ ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун тенг имкониятлар яратишни англатади.

Ижтимоий адолат тамойили фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечириши, таълим олиши, тиббий хизмат кўрсатилиши учун амалда шарт-шароитлар яратиш, ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишни, ўтиш даврида аҳолининг барча табақаларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини англатади.

Ер эгалари бўлган деҳқонларга таяниб ҳамда уларнинг мустақил ишлашлари учун шарт-шароитлар яратишга эришиб, шу орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш орқали қишлоқда иқтисодий ўзгаришларга кўмаклашиш, янги иш ўринлари яратиш, атроф-муҳитга ва экологияга зарарли таъсир этадиган хавфли ўчоқларни бартараф этиш иқтисодий ислохотлар шароитида «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий вазифаси ҳисобланади.

«Адолат» социал-демократик партиясининг ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг барча хўжалик, тижорат ва ишлаб чиқариш тузилмаларининг эркин фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашади.

«Адолат» социал-демократик партиясининг ўсиб келаётган авлоднинг бой маънавий меросга асраб авайлаш муносабатини тарбиялайди, уларга ижтимоий адолат, миллий урф-одатлар ва анъаналарни сақлаш гоёларини сингдиради. Партия Сиёсий Кенгаши ҳузурида Ёшлар кенгаши тузилган бўлиб, бевосита ушбу масалалар билан шуғулланиб келмоқда. Вилоят партия ташкилотларида ҳам бундай кенгашлар фаолият кўрсатиб, улар ёшлар орасида муайян ишлар олиб бормоқда. Ёшлар сайловчиларнинг аксарият қисмини ташкил этади ва уларнинг фикрини биз ҳисобга олишимиз зарур.

Ўйлайманки, бўлажак сайловлар ҳақиқатан ҳам сиёсий партиялар курашининг майдонига айланади. Ҳар қандай сиёсий партия каби биз олий қонун чиқарувчи органда, шунингдек, маҳаллий вакиллик органларида мумкин қадар кўпроқ ўринлар олишга умид қиламиз. Чунки парламент типидagi партия бўлганлигимиз боис ўз дастуриимизни қонунчилик йўли билан татбиқ этишга интиламиз.

Партиямиз «Адолат қонун устуворлигидадир» деган тамойилга амал қилиб, шунингдек, давлатимиз «Кучли давлатдан кучли жамият сари» ривожланиш ички сиёсатидан келиб чиққан ҳолда келгусида ҳам ўз фаолиятини амалга оширади, деб ҳисоблайман.

**ХУРШИД ДЎСТМУҲАМЕДОВ,**  
*Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик  
партияси Марказий Кенгашининг раиси*

## **ҚОНУНЧИЛИК САЛОҲИЯТИ**

Кейинги бир неча ойлар ичида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларини аҳоли кенг сайловчилар ўртасида тарғиб – ташвиқ қилиш асосий ишларимиздан бўлди. Маълумки сиёсий партиялар ҳам парламентга, ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтадиган сайловларнинг бош субъекти, эгаси, уларнинг тўғри маънодаги двигатели ҳисобланади. Бевосита ва билвосита партиялар сайловлар орқали давлат бошқаруви формаларини шакллантиришга тўғридан тўғри ўз улушини ва иродаларини қўшадилар. Шунинг учун сиёсий партиялар сайловларнинг юксак сиёсий англови, сиёсий саводхонлик, сиёсий маданият билан ўтишидан ҳар томонлама манфаатдор. Сайлов ва сайланувчи қанчалар ҳуқуқий саводхон, ўз фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятларини конституция даражасида яхши англаган бўлса, унинг бу онглилигидан партия фақат ютади.

Шунинг учун Миллий тикланиш демократик партиясининг фаоллари, етакчилари, Олий Мажлисдаги Миллий тикланиш партияси фракцияси аъзолари йил бошиданоқ сайловлар тўғрисидаги қонунларимизни, уларга киритилган ўзгаришларни партия йиғинлари, аҳолининг ранг-баранг қатламлари билан учрашувларда, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, «Ижтимоий фикр» маркази, «Экосан» халқаро жамғармаси ва шунга ўхшаш бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган ўнлаб назарий – амалий семинарлар, тренингларда муҳокама қилдилар. Сайлов тўғрисидаги қонунлар умумий ҳуқуқий саводхонлик ва хусусан сайлов саводхонлигини ошириш йўналишларида айтиш мумкинки, «узунасига ва кўндалангига» ишлаб чиқилди. Бунда электоратга кенг тушунчалар бериш бир мақсад, қолаверса, партия ўзаги бўлган фаоллар, етакчилар, ҳар бир партия аъзосининг тушунча олиши, сайлов жараёнларини онгли ва тўлалигича тасаввур қилиши — иккинчи катта мақсадимизга айланди. Лекин ҳали ҳануз бу ишлар охирига етган эмас. Қонунларимизни тушунтириш, халқнинг кенг қатламларига етказиш йўналишидаги ишларимиз интенсив давом этади. Фақат тарғибот-ташвиқот ишларини одамларни зериктирмасдан қизиқарли, таъсирчан усуллар топиб давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов тўғрисидаги қонунларимизда акс этган жараёнга доир вақт, муддатлар билан боғлиқ меъёрларни тўлиқ ва аниқ ўзлаштириш, уларга иш мобайнида пунктуал тарзда риоя этиш, номзодлар, партияларнинг округлари, сайлов участкаларидаги кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари, ОАВнинг бутун сайлов жараёнидаги ўрни ҳамда кенг йўналишдаги вазифаларини ҳар томонлама билиш, доим тасаввурда тутиш, партиянинг сайловларда иштирок этишдек

ҳуқуқини қозониш учун имзо тўплашдек барча ишларни қонун талаблари савиясида адо этиш — булар бошқа демократик талаблар, принципларни мукамал эгалланмасдан туриб ҳозирги замон сайловларида тўлақонли иштирок этиш, энг муҳими ютуқларга эришишни ҳатто тасаввурга ҳам келтириб олмасак, ўзимиз меъёрларга тўла риоя этмасак, қандай қилиб бу муҳим омилларни сайловчиларимиздан кутамиз, талаб қиламиз?

Сайлов онгининг пайдо бўлиши ва ўрнашиши биз учун ҳозир ғоятда муҳим. Сайлов онги сайлов ҳақидаги зарур тушунчалар мавжуд бўлгандагина юзага чиқади. Буларнинг сиёсий партиялар учун муҳимлиги яна шундаки, фуқароларда сайлов онги туғилган ва унинг кундалик тафаккурида мустаҳкам ўрнашгандагина биз ўз дастурий ғояларимиз, ижтимоий, иқтисодий йўл-йўриқ, белгиларимиз, мафкурамизнинг асосий қирраларининг унга етиб бориши, тушунарли бўлишига эришамиз. Сайловчи билан ўртамизни ҳамфикрлиги шундан туғилади. Кенг ҳамфикрликка эришган партия сайловларда ҳеч шубҳасиз яхши натижаларни қўлга киритди.

Қонунларимизда баён этилган демократик принциплардан бири сайловларда қатнашишнинг теран ихтиёрийлиги. Бу жуда қимматли демократик принцип. Сайлов эркининг шахсга берилиши. Электорат билан бизнинг дастурий вазифаларимиз, мақсадларимиз нуқтаи назаридан ҳамфикрлик пайдо бўлганда сайловда фуқаронинг қатнашиши ихтиёрийлиги онгли, масъул ихтиёрийликка айланади. Бизнинг бутун умидимиз шундан.

Олий Мажлисидаги Миллий тикланиш партияси фракциясининг ўн иккита аъзоси бор. Қирқ мингдан ортиқ партия аъзоларининг ҳар ўн мингига учтадан фракция аъзоси тўғри келади.

Биз бошданоқ Миллий тикланиш партияси фракцияси аъзоларидан кенг маънода партия оммавий-сиёсий ишларининг ташкилотчилари бўлишларини, минтақаларда партиявий ишларга етакчилик қилишларини талаб қилиб келмоқдамиз. Олий Мажлисида қабул қилинаётган, лойиҳалари ишланаётган қонунларнинг муҳокамалари бўладими, халқаро терроризм ҳуружлари, диний экстремизм таҳдидларига қарши одамларнинг онгини уйғотиш, бошини қовуштириш, миллий бирлик туйғуси, тушунчаси, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга онгли соф прагматик муносабатларни шакллантириш бўладими, кенг спектрдаги масалаларни ҳал қилиш, уларга диққат-эътибор, соғлом, реалистик муносабатлар юзага келишида фракция аъзоларининг ташкилотчилиги, жойларда уюштирувчи ишларни олиб бориши жамият учун ҳам, партия учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Миллионлаб саводхонликка, маданиятга, сиёсий ишларга ташна кишилар олдида ўн-ўн икки фракция аъзоси унча ҳам катта куч эмасдай кўринади. Лекин биз кейинги беш йил ичида Миллий тикланиш партияси фракция аъзолари ижтимоий муҳитда ўз таъсир доираларига эга бўлишларига доимий эътибор бериб келмоқдамиз. Иброҳим Ғофуров, Гуландом Боқиева, Шарифа Салимова, Зокиржон Машрабов, Раҳматали Жалилов сингари Миллий тикланиш партияси фракцияси аъзолари партиянинг оммавий ташкилий ишларида, қонунларни амалиётга киритишда, партиянинг янги ҳаракат дастурини яратишда Марказий Кенгаш аъзолари қаторида яхши жонбозлик қилмоқдалар. Улар муҳим сайловлар арафасида жойлардаги ташкилотларимизни мустаҳкамлаш, жонлантириш, оёққа қўйиш, ишимизга янги нафас бағишлашда, сафларимизни жипслаштириш, янги-янги ҳақиқий «миллий тикланишчилар»ни тарбиялаш, партиянинг обрў-эътиборини кўтаришда сидқидилдан кўмаклашмоқдалар.

Олдимизда ҳали адо этилиши керак бўлган ишлар, вазифалар, ечими топилиши зарур муаммоларнинг уфқлари ястаниб ётибди. Кимдир бу уфқларнинг катталиги,

кенглигидан чўчиб биздан ўзини четга тортгандир, кимдир бу ишларнинг салмоғини назар-писанд қилмагандир, кимдир фракция иш олиб борган даврларни элга совургандир, шунга қарамай Миллий тикланиш партияси фракцияси парламенти-мизнинг улкан фаолият доираси ичида унинг узвий, табиий бўлаги каби тамомила ҳамоҳангликда қонун талаблари асосида иш олиб борди. Катта амалий-назарий тажриба ва билимлар орттирди.

Икки палатали янги парламентимизда сиёсий партияларнинг фракциялари янги андозалар, янги ваколатлар билан бойиган, тўлишган ҳолда янги мустаҳкам асосларга эга бўлган ҳолда иш юритади. Ҳозирги фракцияларнинг тажрибалари уларга қимматли тажриба мактаби бўлиши шубҳасиз.

Иккинчи чақириқ ўтган амалиётларимиз, тажрибаларимиз, изланишларимизнинг аҳамияти ана шунда.

**АКМАЛ САИДОВ,**  
*Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш  
маркази раҳбари, юридик фанлари  
доктори, профессор*

## **ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВ ТИЗИМИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ**

### **Сайловчилар ташаббускор гуруҳлари — бевосита демократиянинг намоён бўлиши**

Маълумки, демократиянинг икки «бевосита демократия» ва «билвосита демократия» — тури мавжуд бўлиб, билвосита демократияда фуқаролар ўз вакиллари орқали давлат ва жамият бошқарувида қатнашса, бевосита демократияда эса фуқаро шахсан ўзи қатнашади. Сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузиш билан фуқаролар давлат вакиллик органларини шакллантиришда бевосита — тўғридан-тўғри иштирок этадилар, яъни бевосита демократия тамойили яққол намоён бўлади.

Ҳозирги кунги сайловчи истиқлолга қадар бўлган, ҳатто беш йил бурунги сайловчидан фарқ қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар натижасида сайловчининг сиёсий фаоллиги ошиб, у чинакамига танлаш ҳуқуқини амалга ошириш имкониятига эга. Сайловчилар нафақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларга, айтилиб, вақтда бевосита фуқаролар томонидан танланиб, саралаб кўрсатилган номзодларга ҳам овоз беришлари мумкин.

Хўш, ушбу янгиликнинг пайдо бўлиш сабаблари нимада?

Авваламбор, бу истиқлол шарофати билан мамлакатимизда сайловларнинг эркин ва демократик усуллар билан олиб борилаётганлиги мевасидир. Шу билан бирга вакиллик органларига номзодлар кўрсатишнинг сайловчилар учун партия номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имкониятининг берилганидир. Бу — бевосита демократиянинг амалда намоён бўлишидир.

Иккинчидан, ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи стандартларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади.

Учинчидан, бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти томонидан эркин ва демократик сайловларга қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради.

Тўртинчидан, бу Шарқона демократик миллий институт бўлмиш маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш анъаналарига ҳамроҳдир.

Бешинчидан, буни мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим амалий қадамлардан деб ҳисоблаш мумкин.

Жаҳон сайлов тажрибасида ибратли, халқ оммаси вакиллари парламентга кўпроқ жалб этишни, давлатни бевосита бошқаришда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш Ўзбекистонда ўзига хос халқчил демократиянинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатувчи кўзгудир.

Мустақил номзодларнинг кучли, адолатли, халқчил, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти каттадир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунлар-

нинг ўзига хос хусусиятларидан бири — бу сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилганлигидир. Бу сайлов амалиётимиздаги муҳим ижобий ҳол бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовордир.

### **Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзодлар кўрсатиш тартиби**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси «Депутатликка бевосита фуқаролар томонидан номзод кўрсатиш» деб номланган. Ушбу модда билан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишнинг яна бир имконияти мустақил номзодларни кўрсатиш ва сайлаш ҳуқуқи кафолатланади.

Сайлов ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи сайловчилар ташаббускор гуруҳи орқали Олий Мажлис ёки маҳаллий вакиллик органларига депутатликка ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Номзодлар қуйидаги тартибда кўрсатилади.

Биринчидан, Олий Мажлис депутатлигига номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида юз нафар, маҳаллий вакиллик органлари учун эса эллик нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузишлари керак. Ушбу гуруҳ томонидан кўрсатилган номзод мустақил номзод ҳисобланади.

Иккинчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Бугун сайловчилар ташаббускор гуруҳи аризасига қуйидагилар илова қилинади:

1. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат;

2. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози;

3. Сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори ва баённомаси, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади.

Учинчидан, округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг сайлов қонунлари талабларига мувофиқлигини аниқлаб, ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш кун ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови ўтказилаётган тақдирда эса уч кун ичида сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олиш тўғрисида ёки рўйхатга олишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

Тўртинчидан, округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳи рўйхатга олганлиги тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин гуруҳнинг ваколатли вакилига тегишли рўйхатга олинганлик гувоҳномаси ҳамда имзо варақаларининг белгиланган намунадаги бланкаларни беради.

Агар округ сайлов комиссияси сайловчилар ташаббускор гуруҳини рўйхатга олишни рад этган тақдирда округ сайлов комиссияси асослантирилган жавоб беради.

Бешинчидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ўзининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли бўлади. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Олтинчидан, депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Еттинчидан, имзо варақалари шаклини Марказий сайлов комиссияси белгилайди. Имзо варақасида депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиёга мансублиги кўрсатилади.

Саккизинчидан, сайловчилар фақат битта депутатликка номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақлидир. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек, имзо қўйилган санани кўрсатади.

Тўққизинчидан, имзо варақасини сайловчилар ташаббускор гуруҳининг имзо тўплаган аъзоси, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ўз фамилияси, исми, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда тасдиқлайди.

Ўнинчидан, сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўн биринчидан, имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини тегишли округ сайлов комиссиясига топширади.

Ўн иккинчидан, округ сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириб кўради ва беш кунлик муддат ичида, такрорий сайлов ёки бўшаб қолган ўринларга Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказилаётган тақдирда эса уч кунлик муддат ичида тегишли баённомани Марказий сайлов комиссиясига топширади.

### **Мустақил номзодлар — сайлов жараёнининг фаол иштирокчилари**

Вакиллик органларига номзод кўрсатишнинг ушбу усулининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, мустақил номзодларнинг бевосита фуқаролар томонидан кўрсатилиши, уларнинг кенг жамоатчиликка яхши танишлиги, халқ ичидан чиққанлиги ва элга яқинлигидир. Фуқаролар ўз маҳаллалари, мавзелари ва туманларининг таниқли, обрў-эътиборли ва ишончли кишиларини ўз ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун номзод сифатида кўрсатиш имконига эга бўладилар.

Ўзбекистон аҳолисининг аксарияти сиёсий партияларга аъзо эмаслар. Аҳолининг яна бир қисми нодавлат нотижорат ташкилотлари тузиб, маърифат, маънавият, илм, яратувчилик билан банд — уларнинг ҳам катта қисми партиясиздир. Ва, бундай аҳоли ҳозирги шароитда аксарият кўпчиликни ташкил этиб, улар сиёсий фаолиятдан — давлат бошқарувида иштирок этишдан четда қолишлари керак эмас.

Бир сўз билан айтганда, ҳокимиятга даъвогар бўлган партиялардан ташқари, жамиятнинг бошқа қатламлари ҳам давлат бошқарувида бевосита иштирок этиши адолатли ҳаракатдир. На касбу кори, на миллий маҳдудлиги билан чегараланмаган,



халқ, Ватанни ўйлаб, умуминсоний талаблар, одамийлик бурчи ва масъулияти буюрган вазифасидан келиб чиқадиган номзодлар, мустақил, халқ номзодларидир.

1999 йилги парламент сайловлари шуни кўрсатдики, мустақил номзодларнинг аксариятлари сайловларда қатнашиш тажрибасига эга эмаслигидир. Уларнинг етарли даражада йўлга қўйилган сайлов кампаниясини ўтказиш механизмлари ҳам йўқ. Сиёсий партиялар бу борада улардан устундирлар. Мустақил номзодларнинг аксарияти сиёсат билан яқиндан ва тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаганликлари уларнинг профессионал сиёсатчилар билан рақобатлашиш ва кейинчалик парламентда ўз манфаатларини қатъийлик билан ҳимоя қила олишларини анча қийинлаштиради.

Мустақил номзодларнинг ижтимоий базаси — кенг халқ оммасидир, улар бевосита халққа таянади. Уларни неча йиллар синаган, феъл-атворини билган, шажарасидан хабардор кишилар орасидан, нималарга қодирлиги, эл-юрт манфаати нимаю, ўз манфаати нима яхши билган кўпнинг манфаатини юксак қадрлаган кишилар орасидан танлаб олиш имкониятига эга бўлди.

Яна бир хусусият, бу мустақил номзодларнинг сайловларни ўтказиш жараёнида биринчилардан бўлиб сайловчилар билан мулоқотда бўлишидир.

Мустақил номзодларни бирлаштирувчи бир қанча омиллар мавжуд.

Авваламбор, улар сайловчилар ташаббускор гуруҳлар томонидан номзод қилиб кўрсатилади.

Иккинчидан, улар сайловларда сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти органларидан мустақилдирлар.

Учинчидан, улар бошқа номзодларга нисбатан бевосита халққа яқиндирлар. Халқ ишончи эса, ўз навбатида, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек — олий масъулиятдир.

### **Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази**

1999 йилги сайловлар даврида нодавлат нотижорат ташкилоти бўлмиш Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази тузилди. У жаҳон сайлов амалиётида биринчи марта тузилди. Ушбу марказ йигирмадан ортиқ таъсисчилар, жумладан, сайловчилар ташаббускор гуруҳлар вакиллари, мустақил номзодлар, маҳалла оқсоқоллари ва бир қатор ноҳукумат ташкилотлари ташаббуси натижасида юзага келди. Ўз Низомига кўра марказ нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади. Марказга унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи вакиллари жамоа шаклида ва шахсан аъзо бўлишлари мумкин. Марказнинг бўлимлари барча вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Марказнинг асосий мақсади Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган номзодларни ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда доимий қўллаб-қувватлаш ва кучли фуқаролик жамияти қуриш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, эркин ва адолатли сайловларни ўтказиш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, фуқаролар, жамият ҳамда давлат манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Марказ бунинг учун мустақил номзодларга сайловчилар ташаббускор гуруҳларини тузишда ва уларнинг сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинишида кўмаклашади, сайловларда мустақил номзодларнинг умумий рўйхатини тузади, уларга сайловолди кампаниясини ўтказишда, хусусан, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплашида, учрашувлар ва ташвиқот ишларини олиб боришда ёрдам беради, мустақил номзодларнинг кузатувчиларини тайин қилиш, жалб қилишда

кўмаклашади. Бундан ташқари, мустақил номзодларга Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ уларнинг сайлов ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш воситалари ва усуллари тўғрисида тавсиялар беради. Мустақил номзодларнинг сайлов ҳуқуқлари бузилган тақдирда уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга кўмаклашади ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Шунингдек, фуқаролар, давлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакилларига сайловларда иштирок этаётган мустақил номзодлар тўғрисида мунтазам маълумотлар бериб боради.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган номзодлар бевосита халқнинг вакиллари дирлар. Халқ билан маслаҳатлашиб, дардлашиб, халқ билан парламент, ҳукумат ўртасидаги соғлом, эзгулик билан йўғрилган муносабатни авайлаб сақлаш, мустаҳкамлашда, истиқболда адолатли, ҳуқуқий, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақил депутатларнинг ўрни каттадир.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришга астойдил бел боғлаган эркин юртдир. Бундай адолатли жамият яратилишининг тақдири охир оқибатда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва сайлов маданияти даражасига, қонунга муносабатига боғлиқ бўлади. Замон чинакам халққа боққан, Ватаннинг тақдири халқ ихтиёрига топширилган қимматли дамларни бошимиздан кечирмоқдамиз.

*«Мулкдорлар манфаатларини ифода этувчи партия — ҳаётий ва барқарордир, чунки уни вужудга келтирган аҳолининг ижтимоий қатламларининг ўзи ҳаётий ва барқарордир».*

**И. Каримов**

**МАХАМАТЖОН АҲМЕДЖАНОВ,**  
*Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —  
Ўзбекистон либерал-демократик партияси  
Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси*

## **ҲОКИМИЯТДА ИШТИРОК ЭТИШ — ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШ ВОСИТАСИ**

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сиёсий майдонга чиқиши зарурати ҳаётнинг ўзи, жадал суръатлар билан ўзгараётган давр, рўй бераётган ўзгаришлар, одамлар сиёсий ва маънавий дунёқараши даражасининг юксалиши билан белгиланади.

Ўзбекистон тадбиркорлари ва ишбилармонлари сиёсий партия — «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси»га бирлашди. У 2003 йил октябрида ташкил этилди ва декабрь ойида Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинди. **Шу пайтдан янги партия тарихи бошланди.**

2003 йил 15 ноябрда «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси» таъсис қурултойи ва Сиёсий Кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Қурултойда партиянинг Сиёсий Кенгаши сайланди ва унинг таркиби, партиянинг Марказий назорат-тафтиш комиссияси тасдиқланди, партиянинг босма нашри — «XXI аср» газетаси таъсис этилди ҳамда унинг асосий мақсад ва вазифалари белгиланди. Бугун партия газетаси саҳифаларида энг долзарб, кам ёритиладиган ижтимоий-сиёсий мавзулар, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига оид мақолаларни ўқиш мумкин.

2004 йил 23 октябрда партиянинг II қурултойи ўтказилди. Унда партиянинг **сайлов-олди дастури** тасдиқланди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар таркиби белгиланди, келгуси ишларнинг асосий йўналишлари қабул қилинди.

Партиянинг асосий ғоялари, мақсади ва вазифалари либерал-демократик партия дастурига мос келади. ЎзЛиДеП учун **либерализм** — ривожланган фуқаролик жамиятининг давлатни назорат қилиш ва айна пайтда унинг суверенитет, конституциявий-ҳуқуқий асосларни муҳофаза қилиш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва макроиқтисодий жараёнларни бошқариш бўйича асосий вазифаларини мустаҳкамлаш лаёқатидир. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатларни тартибга солувчи демократик институтлар давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларда юзага келадиган қарама-қаршиликларни ҳал қилади, яъни **адолатни** тиклайди. Шу муносабат билан партиянинг номи «Либерал-демократик партия» деб белгиланган. Бу икки тушунча ўз маъноси ва мазмуни, бош ғояси ва мақсадига кўра ягонадир.

Партия фаолиятини тизимга солиш ва мувофиқлаштириш учун махсус органни ташкил этиш зарур эди. Иш жараёнида партия фаолларида туғиладиган саволларни ҳал этиш, ўтказилаётган тадбирларнинг тезкорлигини таъминлаш, келгусида партия сиёсий фаолиятини олиб бориш стратегиясини ишлаб чиқиш учун барча йўналишларда партия фаолиятини мониторинг қилиш мазкур органнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси аппарати ва кенг қўламли партия тизими шакллантирилгач, партия мақсад ва вазифаларини амалга ошириш самарадорлиги анча ортди. Чунончи, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари аппаратлари шакллантирилди. Ташкил этилган кундан ҳозиргача бирламчи партия ташкилотлари тармоғи республиканинг бутун ҳудудини қамраб олмоқда, йил давомида уларнинг сони **7 мингга** етди.

Бизнинг партиямиз аҳоли билан ишлашда қўйилган вазифаларни амалий ижросини намойиш этиш тактикасини танлади ва бу ижобий натижа берди. Бугунги кунга келиб партия аъзоларининг сони **135 минг** кишидан ошди, ҳар ойда аъзолар сони **20 минг** кишига ўсмоқда.

Партия **кадрлар таркибининг сифатига** алоҳида эътибор қаратилмоқда, бунинг учун партиёга аъзоларни танлаш ва қабул қилиш мезонлари, партия вакилларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритиш меъёрлари ишлаб чиқилди.

Илғор фикрлайдиган, партия дастурини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этишни истайдиган ҳар бир республика фуқароси **партия аъзоси** бўлиши мумкин. **Партия авангарди** — партия ғояларига содиқ, етакчилик сифатлари ва юксак фуқаролик позицияси, одамлар орасида обрўга эга, мавжуд муаммолар, иқтисодиёт асосларини биладиган, яъни мавжуд иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қила оладиган одамлардир.

**Бугунги кунда партиянинг таркиби** қуйидагича: аъзоларининг 34 фоизи 18—30 ёшда, 43 фоизи 30—45 ёшда, 20 фоизи 45—60 ёшда, 3 фоизи 60 ёшдан катта. Партиянинг **300 дан ортиқ аъзоси ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган**.

Ҳар қандай партия авваламбор сиёсий куч сифатида майдонга чиқади, муайян ғоялар тарафдори ва ифодачиси бўлади, аҳолининг муайян қатламлари манфаатларини аниқ тасаввур қилади, бу ғояларни ҳимоя қилади ва ҳаётга татбиқ этади. Умуман, ҳар бир партия ўз тарихи, сиёсий қиёфасига эга бўлиши ва энг асосийси унинг фаолияти асосида халқ, жамиятга тушунарли ва аниқ, амалга ошириладиган ғоялар мужассам бўлиши керак.

**ЎзЛиДеПнинг асосий ўзига хос хусусияти** шундаки, партиямиз мулкдорларни, яъни ўз уддабуронлиги, шахсий ташаббусни ривожлантириш эвазига, ўз ишини ташкил этиш, ғоялар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш йўли билан биринчи навбатда шахсий, оилавий фаровонлик ва умуман жамият фаровонлигига эришишдан манфаатдор фуқароларни бирлаштиради.

Бу масалада **ЎзЛиДеПнинг позицияси** буюк Амир Темур тузукларидаги сўзлар билан ифодаланади: «Бир кишининг ишбилармонлиги, жасорати ва қатъияти, мустаҳкам эътиқоди, топқирлиги ва уддабуронлиги минглаб одамларнинг ҳаракатсизлиги ва бефарқлигидан устун. Чунки бир тажрибали киши минглаб одамларга иш топиб бера олади». Ўзига тўқ одамларнинг давлати — бой, нуфузли ва кучли давлатдир.

Бугун бизнинг партиямизнинг **60 фоизи** бизнес вакиллари ва тадбиркорлар, қолган қисми эса олимлар, хизматчилар, мутахассислар, зиёлилардан иборат. Партия аъзолари эркин демократик фикр билдириш асосида ўз позицияларини шакллантиради ва улар партия низоми, платформаси ва дастурига асос бўлди.

**Тадбиркорлар** — жамиятнинг энг ижтимоий фаол, иқтисодий мустақил қисми, манфаатлари шаклланган одамлар тоифаси, бугунги кунда моддий, ақлий, маъмурий ресурсларга эга бўлгани ҳолда у ёки бу муаммони ҳал қилишга қодир кишилардир. Бу одамлар улкан ташкилотчилик тажрибасига эга, ўз қадамларини олдиндан ҳисоблаб чиқиш ва уларнинг оқибатлари учун жавоб беришга қодир. Ниҳоят, бу юксак яратувчанлик фуқаролик иродаси ва фуқаролик масъулиятига эга синф. У, биринчи навбатда, шароит тақозосига кўра бировнинг ёрдамига муҳтож заифларга ғамхўрлик қилишда ўз ифодасини топади.

**Мулкдорлар** — ўз меҳнати билан ишлаб топган мулкка эга одамлар. Бу мулк уларнинг ва фарзандларининг фаровонлигини таъминлай олади. Улар, биринчи навбатда, ўз кучи ва билими, тажрибаси ва ташаббусига суянади. Мулкдорларнинг ҳақиқий синфини яратиш, хусусий мулк ҳимояси кафолатларини таъминлаш жуда мураккаб, лекин ҳаётий зарур жараёндир. Мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдири ва келажаги бу жараён муваффақиятига боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда **275 мингта тадбиркорлик субъекти** фаолият кўрсатмоқда, уларда **6 миллионга** яқин одам ишламоқда, **100 мингдан ортиқ фермер хўжалигида 630 минг киши** ишламоқда — улар ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг **асосий мақсадлари** қуйидагича:

- сиёсий кучга бирлашиб, **тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг янада кенг фаолияти учун янги имкониятлар очиш**, уларнинг истиқболларини назарий ва амалий асослаш, жамиятнинг мазкур қатлами манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ва алаалоқибат уларнинг эртанги кунини таъминлаш;
- **партия кучлари ва имкониятларини мамлакат миллий манфаатлари ва уни ривожлантиришнинг стратегик истиқболларига жавоб берувчи ҳаракат дастурини амалга оширишга** сафарбар қилиш. Бу истиқболлар аввало демократик, бозор иқтисоди тамойилларига асосланган, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, халқ, биринчи навбатда, ёшлар онгига демократик қадриятларни етказиш ва ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ;
- **давлатни бошқаришда партиянинг иштироки**, унинг жамиятда шаклланаётган қарашлар, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга таъсирини таъминлаш. Давлат ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларини ҳал этиш, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини ошириш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш. Ёшларни ўз Ватанига ҳурмат, муҳаббат ва фахр, ҳар қандай шароитда мустақиллик, маънавий қадриятлар, миллий ва диний анъаналар ва халқ удумларини сақлаш ва ҳимоя қилишга тайёрлик, бошқа миллат ва элатлар манфаатларини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларини камситишга уринишларга қарши курашиш руҳида тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиш;
- партиянинг сиёсий платформаси бўлган **либерал-демократик ғоялар ва қадриятларни** кенг жамоатчилик онгига етказиш, партия сиёсатини тарғиб қилиш бўйича пухта ўйланган ишни ташкил этиш ва олиб бориш;
- жамият ва давлат қурилишининг энг муҳим устуворлиги — мустақил ривожланиш, **Ватан суверенитетини мустаҳкамлаш устуворлигини изчил ва оғишмай амалга ошириш** учун курашиш. Бу устуворлик мамлакатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз келажагини қуриш, ўз халқи манфаатларидан келиб чиқиб ўз бойликларидан фойдаланиш, унинг маънавий қадрият ва анъаналарини сақлашга таяниш ва айни пайтда халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва халқаро мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳуқуқидан иборат.

Мазкур асосий мақсадларни инobatга олиб партия ўзининг келгуси стратегик ва тактик вазифаларини белгилайди ва улар Сиёсий платформада ўз аксини топган. Партия уни амалга ошириш учун нималар қилмоқда?

Бугун ҳали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ўз фракциясига эга бўлмаган ҳолда, ҳар бир туман ва вилоятда ЎзЛиДеП фаоллари иш олиб бормоқда. Ҳар кун улар аҳоли дуч келаётган ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ўрганмоқда. Республиканинг чекка ҳудудлари аҳолиси ҳам партиянинг ишларини яхши билишади. Шу сабаб-

ли партия аҳолининг муаммоларини аниқ ҳал қилади. Масалан, партия фаоллари хўжалик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишди, уларнинг ёрдамида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари фермер хўжаликлари ва аҳолисига фермер хўжаликлари еридан қувур ўтказган «Ўзтрансгаз» корхоналари томонидан етказилган зарар ундирилди. Тўланган товон миқдори 218 миллион сўмни ташкил этди. Андижон вилояти Избоскан туманида тадбиркор манфаатлари ҳимоя қилинди ва унга 358 миллион сўм қайтарилди.

Ижтимоий йўналишлар ҳам партиянинг амалий тадбирлари билан қамраб олинган. Чунончи, меҳнат жамоалари, маҳаллалар, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйларида **2000** дан ортиқ тадбир ўтказилди. Уларга партия аъзолари ва тарафдорлари маблағларидан **650 миллион** сўм сарфланди. Бу маблағлар ёшлар орасида гиёҳвандликка қарши курашиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, халқ ҳунармандчилигини тиклаш, қариялар уйлари, меҳрибонлик уйлари, аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам беришга йўналтирилди.

Партия фаоллари қарамоғларига олган мактаблари муаммоларини самарали ҳал қилмоқда. Биноларни таъмирлаш, жиҳозлаш ва бошқа ҳаражатларга **2.3 миллиард** сўм ажратилди. Бугунги кунда **1136 та** мактабни таъмирлаш ва моддий-техник жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон дунёвий давлат ва биз учун хотин-қизларнинг ислохотлар жараёнида иштирокига тўсқинлик қилаётган ўтмиш сарқитларидан қутилиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Бугун маҳаллаларда яшаётган аёллар гилам тўқиш, халқ ҳунарларига ўқитилмоқда. Улар учун махсус фирмалар очилмоқда, зарур ҳужжатларни тўплашда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда, ишлаб чиқариш ускуналари берилмоқда. «Хотин-қизлар қаноти» фаоллари ёрдамида **97 нафар тадбиркор аёл 366.6 миллион сўмга** тенг банк кредитларини энг имтиёзли тарзда — гаров таъминотисиз олди, янги ташкил этилган кичик корхона ускуналари гаров саналади.

«Ёшлар қаноти» фаоллари ёшлар билан иш олиб бормоқда. Турли мунозара клублари, касбга йўналтириш бўйича тадбирлар, спорт мусобақалари шулар жумласидан. Ҳар бир ўтказилган тадбир яқунларига кўра қатнашчилар эсдалик совғалари ва совринлар билан рағбатлантирилмоқда. Айни пайтда барча тадбирларда партия фаоллари ёшларга партиянинг мақсад ва вазифаларини тушунтирмоқда. Бу иш ватанпарварлик, она юртра муҳаббат, ҳаётини тажрибага ҳурматни мустаҳкамлаш, ўз халқи тарихига қизиқишни уйғотиш ва маданиятини ҳурмат қилиш, ўзига танқидий муносабат, бағрикенглик, ғайриинсоний ғояларга қарши тура олиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган.

Муҳтож оилаларнинг иқтидорли фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида тадбиркорлар — партия аъзолари ва тарафдорлари уларга олий ўқув юртларида ўқиш ҳақини тўлаб бермоқда, махсус стипендиялар таъсис этмоқда ва тўламоқда. Бундан ташқари, ёзги таътил вақтида талабалар ишга жалб қилинмоқда. Олий ўқув юртларини тугатгач, ёш мутахассислар ана шу корхоналарга қайтмоқда.

Буларнинг ҳаммаси шунинг учун қилинмоқдаки, **токи одамлар халқнинг муаммоларини тушунадиган сиёсий куч борлигини билсин, бугун шиорларни эълон қилишнинг ўзигина етарли эмас, Ўзбекистоннинг буюк келажagini қуришда амалий қадамлар керак.**

Буни тушунган ҳолда ҳар ким бўлғуси сайловларда иштирок этиб, ўз фуқаролик позициясини билдириши керак. **Ўз ҳаётининг маъносини Ватанимизнинг фаровон келажаги билан боғлайдиган фуқарони партиядошимиз деб ҳисоблаймиз.** Партия ташкил этаётган тадбирларда асосий эътибор, биринчи навбатда, аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган. **Халқимиз — ҳокимиятнинг асосий манбаи ва давлатнинг бош яратувчан кучи, шу боис унинг ишончини қозонишимиз ва кўмагига суянишимиз зарур.**

Партия кўп иш қилди, аммо бу ишнинг асосий — энг масъул қисми Ўзбекистон Республикаси Парламенти таркибида амалга оширилади. Декабрда янги икки палатали парламентга биринчи сайловлар ўтказилади ва улар аввалгиларидан жиддий фарқ қилади.

Сайлов арафасидаги энг долзарб вазифа — ўтказилаётган тадбирлар воситасида партия ғояларини аҳолининг кенг қатламларига етказишдир. Бу мақсадда ҳозирги вақтда ЎзЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ҳузурида Тарғибот-ташвиқот ишлари кенгаши ташкил этилган — у бугун партия фаолиятини ташкил этишда биринчи ўринга чиқмоқда ва биз бу бўғинга катта аҳамият бермоқдамиз. Таниқли олимлар ва мутахассислардан иборат бешта маърузачилар гуруҳи жойлардаги корхоналарда, маҳаллалар ва ташкилотларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, сиёсий платформасини тушунтирмоқда.

Кенгаш фаолиятининг асосий йўналиши бугунги кунда фақат партия ғояларини аҳолининг кенг қатламларига етказишгина эмас, имкон қадар кўпроқ одамлар сайлов жараёнида қатнашиши учун уларнинг сиёсий фаоллигини оширишдир. Қонунчилик ва ижро ҳокимияти органларида вакиллик орқали мамлакатни бошқариш, муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатиш имкониятларимиз шунга боғлиқ бўлади. Сайловчи ахборотлардан максимал даражада хабардор бўлгандагина ўзи сайлаган партиянинг сиёсий платформаси ижросини назорат қилиш имкониятига эга бўлади.

Бугун ЎзЛиДеП Марказий сайлов комиссиясидан сайлов жараёнида иштирок этиш учун рухсат олган.

Сайлов жараёнини тартибга солувчи қонунчилик республика фуқароларига ўз фуқаролик позициясини ҳақиқий демократик услубда ҳақиқий демократик давлат қурилишида ифодалаш учун катта ҳуқуқ ва имкониятлар беради. Сўнгги вақтда республикада аҳолининг сиёсий фаоллиги ўсиши кузатилмоқда ва шубҳасиз фуқароларнинг мутлақ аксарияти бўлғуси сайловларда қатнашади. Бунда сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам муҳим роль ўйнади. Улар оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда катта ижтимоий аҳамиятга эга тадбирларни ўтказмоқда.

Янги Парламентга сайловлар, жумладан, доимий ишлайдиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг шакллантирилиши республика ҳаётида сиёсий партияларнинг мавқеини анча оширади. Бу уларга Ўзбекистонда ҳақиқий кўппартиявийлик ва демократик парламентаризм тизими, соғлом сиёсий рақобат муҳитини яратишга муносиб ҳисса қўшиш имконини беради.

Бизнинг фуқаролик ва сиёсий масъулиятимиз фаол ҳаракат қилишни талаб этади. Партия катта масъулиятни ҳис қилган ҳолда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун барча кучларни сафарбар этишга тайёр.

Партия учун ҳокимият ва ҳокимиятда иштирок этиш асосий мақсад эмас, балки халққа самарали хизмат қилиш воситасидир, сиёсий кураш эса, авваламбор, Ўзбекистон халқини фаровон, ҳуқуқий демократик, миллий анъаналарга таянадиган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга давлат қуриш ғояси атрофида бирлаштириш йўлида одамлар онги учун олиб бориладиган курашдир. Партиямиз бу мақсадларга эришишда ҳаракатлантирувчи куч бўлишга интилоқда.

**АХТАМ ТУРСУНОВ,**  
*Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик  
партияси Марказий Кенгаши биринчи  
котиби, юридик фанлари доктори*

## **САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ВА САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ МАДАНИЯТИ**

Жамиятнинг сиёсий маданияти турли омиллар таъсирида шаклланадиган қўп қиррали тушунча. Бу авваламбор, одамлар онгида хулқ-атвор намунаси сифатида ҳосил бўладиган муайян сиёсий тажрибадир. Сиёсий маданият турли шаклларда намоён бўлади ва турли таснифга эга. Буни жамоатчилик фикри, қадриятлар, одамларнинг у ёки бу сиёсий тизимдаги хулқ-автори хусусиятини ўрганишда аниқлаш мумкин. Жамиятнинг сиёсий маданияти оммавий сиёсий жараёнларда янада аниқ намоён бўлади. Бу жараёнлардан бири сайлов кампанияси ҳисобланади.

Сайловлар ўз хусусиятига кўра муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир. Сайлов кампаниясини ўрганиш чоғида жамият сиёсий маданиятининг асосий моҳияти, аҳволи ва ривожланиш йўллари аниқлаш мумкин. Сайлов кампанияси пайтида сиёсий маданиятнинг асосий муаммолари ҳам яққол намоён бўлади. Чунончи, депутатликка номзодларнинг сайловолди чиқишлари ва хулқи бўйича бугунги кунда шаклланаётган сиёсий доира аҳволи ҳақида фикр юритиш мумкин. Бу борада шуни таъкидлаш керакки, депутатликка номзод ва унинг вакилларининг хулқи бу нафақат этика нормаларига риоя қилиш, балки сайловчиларга тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳақиқийлиги, ўзини тутиш тартибини ишлаб чиқиш масаласи, мухолифлар билан мунозаралар ўтказиш қобилиятига эга бўлиш демакдир.

Шунингдек, нотиклик қобилияти, номзод ва унинг вакилларининг билимдонлиги, уларнинг ўз вилояти (шаҳар, туман), республика, яқин ва узоқ хорижда сиёсий, иқтисодий ижтимоий ва бошқа вазиятларни билиш масаласи ҳам шулар жумласига киради. Бизнинг фикримизча, стратегик фикрлашнинг мавжудлиги депутатликка номзод ва унинг вакилларининг юксак сиёсий маданияти кўрсаткичларидан бири бўлиши керак.

Мазкур масаланинг аҳамиятга моликлиги сайловларнинг халқ ҳокимиятини амалга ошириш воситаси каби муҳим эканлиги билан боғлиқ. Сайловларда аҳолининг фаол ва сиёсий онгли қисми иштирок этади. Улар ўзининг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш йўли билан жамият ва давлат ишларида ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи амалга оширилиши тўғрисида аниқ тасаввурга эгадирлар. Сайловлар нафақат давлат ҳокимиятининг қонунийлиги, барқарорлиги ва мерос бўлиб ўтишлигини таъминлайди, балки муҳим ижтимоий вазифасини ҳам бажаради.

Бир томондан улар жамоатчилик фикрини шакллантириб, аҳоли кайфиятини ифода эта оладиган сиёсатчиларни кўрсатса, иккинчи томондан электротга уларни баҳолаш ва тегишли тартибда танлашни амалга ошириш имконини беради. Шу боис сайловларнинг аҳолининг сиёсий маданиятига таъсири сиёсий тизимни ривожлантиришнинг ўта муҳим масалаларидан бири саналади ва бугунги кунда у ислоҳ қилишнинг фаол босқичида турибди.



Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида мамлакатнинг демократик образи ҳам кўпинча депутатликка номзоднинг хулқига боғлиқдир. Бу жамият сиёсий маданияти ривожланганлигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Давлатнинг жаҳон иқтисодий ва сиёсий тизимларига интеграциялашуви шароитида ушбу масала стратегик аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида турли йилларда ўтказилган аввалги сайлов кампаниялари тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоатчилик депутатликка номзод ва унинг вакиллариининг ўзини тутиш маданияти муаммоларига унчалик эътибор бермади. Балким бу муаммолар бўлмагандир? Ёки депутатликка номзодларнинг ҳаммаси ўзини тутиш маданиятини юқори талабларига жавоб бергандир? Бундан кўриниб турибдики, муаммолар ўша пайтда ҳам бўлган ва чамаси, бундан кейин ҳам бўлади. Энг асосийси уларни тайёр туриб кутиб олиш, аниқ билишдир.

Депутатликка номзодларнинг ўзини тутишининг асосий муаммолари орасида уларнинг омма олдида маъруза қилишга етарли даражада тайёргарлик кўрмаганлигини кўрсатиш мумкин. Бу номзод ёки унинг вакиллариининг ўз сайловчилари олдидаги нутқи ёки қисқа чиқишлари номзод учун ҳам, сайловчилар учун ҳам ҳақиқий машаққатга айланишига олиб келади. Кўпинча номзод ёки унинг вакиллари илмий ёки бюрократик тилда ёзилиб, қабул қилиш қийин бўлган ёд олинган матнни гапирди. Ёки кўпчилик номзодлар ёхуд уларнинг вакиллари ҳар куни газеталарда ёзилган гапларни фақат ноаниқ, матндан ташқари ва омма манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда гапиришади. Кўпинча эса номзод тўғри жавоб беришдан ўзини олиб қочиши, сайловчиларга тазйиқ кўрсатиши ва уларга ўз нуқтаи назарини зўрлаб ўтказишга уриниши ҳоллари ҳам учраб туради.

Шунингдек, аксарият ҳолларда номзод сайловчилар берган саволларга жавобни билмай, баландпарвоз гаплар билан ўзини ҳимоя қилади. Энг охири сайловларда айрим депутатликка номзодлар уларни кўрсатган сиёсий партиялар дастурларининг мазмунини ёмон билганлигини кузатиш мумкин эди. Ҳаттоки, улар энг оддий сиёсий саводсизлигини кўрсатиб, маълум атамаларни чалкаштириши ва иқтисодиёт масалаларида доводи раб қолиш ҳоллари ҳам бўлган.

Одатда, бундай одамлар сайловолди кампаниясида энг асосийси мазмундан кўра ташқи шаклни устун қўяди. Баъзида эса уларнинг ўзлари ҳам марказий газеталардаги бош мақолаларни ёд олиб, нима ҳақида гапираётганини тушунишмайди. Бундай номзодлардан муҳим умуммиллий масалалар бўйича жиддий нуқтаи назарни кутиш қийин бўлади.

Қатор мамлакатлар учун депутатликка номзодларнинг хулқ муаммоси, асосан, шуҳратпарастлик (популизм), этика, сиёсий боадаблик масалалари, «қора пиар», «компроматлар уруши»лардан фойдаланиш масалалари билан боғлиқ.

«Сиёсий боадаблик» — бирон-бир гуруҳ, миллатнинг овозини ҳақорат қиладиган ҳеч қандай фикрга йўл қўймайди. Жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ҳолатларини тушунтиришда этник омилларни эсга олинишини бу ғояларни илгари сураётганларнинг маданияти етарли даражада ривожланмагани сифатида қабул қилиш лозим. Бу ҳолат гарчи ушбу ғояларнинг мафкуравий дастурида бошқа истиқболли ва демократик ғоялар бўлса ҳамки огоҳ бўлишликни талаб қилади. Этник худбинлиги сиёсий муносабатларга таъсир қиладиган одамлар ички табиати бўйича халққа хизмат қила олмайди ва бунёдкор бўлолмайди. Уларнинг дунёқараши — қарама-қаршилиқ, танқидбозлик, фош қилишлик, бир қавмни (ёки кўпчиликни) бошқасига қарши қўйиш йўллари доимо излашдир. Бундай одамлар халққа миллатлараро адоватдан бошқа ҳеч нарса бера олмайди. Шу боис сайловолди кураши давомида сайловчиларни ҳақиқий муаммолардан чалғитиб, этник

жиҳатдан ўзига хос бўлган жаҳолатпарастлик ғояларини таклиф этаётганларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Миллатлараро муносабат масалаларида ўзига хос боадаблик сайловлар давомида ахлоқий хатти-ҳаракатларни баҳолаш мезонларидан бири бўлиши керак. Бутун бир ижтимоий гуруҳни хафа қилиш жуда осон. Бунинг учун баъзида нафақат бирон бир билвосита айблалар, балки булғуси депутатларнинг чиқишларида ушбу гуруҳларнинг манфаат ва талабларини менсимасликнинг ўзи етарлидир. Яна шуни ҳам ёдда тутиш керакки, миллий мафкуранинг шаклланиши маълум даражада номзодларнинг парламентда ўзини тутиши ва чиқишларига боғлиқ.

Полиэтник жамиятда умумий миллий мафкурани шакллантириш жуда мураккаб. Бу мафкуранинг қурувчилари вақт ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча этник гуруҳларнинг сиёсий боадаблиги ва маданиятини ўзаро ҳурмат қилишликка асосланган бунёдкор жамоатчилик амалиёти бўлиши керак. Республикамиз барча фуқароларининг ўз мамлакати учун фуқаролик жавобгарлигини ҳис қилишлиги бундай бирлашувнинг асоси бўлиши мумкин. Ушбу жараёнда ҳокимиятнинг вакиллик органларига бўладиган сайловлар алоҳида ўрин эгаллаши мумкин. Бу сайловлар давомида аҳоли онгида ва шаклланаётган сиёсий ҳамда иқтисодий қатламлар орасида асосий йўналишлар янада яққол намоён бўлади. Айнан сайловлар даврида одамлар онги кўпроқ сиёсий масалаларга қаратилади. Уларда қўйилган мақсадлар эса одатда жамиятда мавжуд муаммоларга боғлиқ бўлади.

Сайловолди кампаниясини ўтказишда этика ва сиёсий боадаблик қоидаларига эътибор берилмаса, депутатликка номзодларнинг ҳаракати эркинлиги шиори остида аста-секинлик билан сайлов ҳуқуқининг асосий принцип ва меъёрлари кўтарилишини кузатиш мумкин. Собиқ СССРнинг қатор мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, демократияни ҳамма ўзбошимчалик билан алмаштириш жуда осон. Сайловолди кампаниясида оммани воқелик юзаки қабул қилинган ахборот билан кўмиб ташлаш мумкин. Айрим сиёсатчилар сайловчилар овозлари учун курашишда аҳолининг баъзи қисмининг норозилигидан фойдаланишдан қайтмай, муаммоларнинг сабабларини маълум шахслар ва одамлар гуруҳидан топади.

Бундай кампанияларда сайловчиларга ёлғон тарғибот қилинади, одамлар «ўзимизники» ва «бегона»га бўлинади, шу номзод ёки номзодлар гуруҳи бошчилигида ҳаётни яхшилаш мумкин, деган қатъий фикр тарқатилади. Бу борада рақобатчиларининг ҳар қандай хато ва камчиликлари бўрттириб кўрсатилади, сайловолди кампания кўпинча компрометив, боз устига рақибларнинг шахсий ҳаётидан олинган материаллар асосида ташкил этилади. Шахснинг обрўси ерга урилади, нотавонга чиқарилади. Хўш, бундай хулқ-автор ва эркинлик ҳамда ошкоралик принциплари ўртасида қандай умумийлик бор? Жавоб бир хил-ҳеч қандай. Шахснинг эркинлиги бошқа одамнинг эркинлиги бошланган жойда тугайди, деган либерализмнинг ажойиб қоидасини унутиш мумкин эмас. Бу қоидага риоя қилиш учун этика ва ҳуқуққа амал қилиш керак, деган иккита принципга таяниш зарур.

Бу борада кўпинча иккита нуқтаи назар учрайди. Биринчи нуқтаи назар сиёсат ва этика ажралмас, бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир бутунни ташкил қилишига таянади. Иккинчи нуқтаи назар сиёсат ва этика инсон фаолиятининг иккита бир-бирига зид жиҳати эканини тасдиқлайди.

У ёки бу жиҳатнинг дастлабки далиллари моҳиятига чуқурлашмасдан аслида биринчи нуқтаи назар тўғри, деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ амалда эса баъзида иккинчиси содир бўлади. Чунки этика ва ҳуқуқ тушунчалари ҳозирча одамлар онгига унчалик чуқур кириб боргани йўқ. Бу борада этика қоидаларининг, масалан, савдо ва тижоратнинг бир-бирига мослиги ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ҳаммаси

одамнинг тарбияси ва одобига боғлиқ. Агарда у барча жиҳатларда жиддий, ўзига талабчан ва юксак ахлоқий томондан тарбияланган бўлса, сиёсат ва тижоратда муносиб ўрин эгаллайди. Агарда инсон ҳалол ва ниятлари пок бўлса, сиёсатда мансаб поғонасидан қўтарилиши учун бошқарув қонунлари, макроиқтисодиёт қонунлари ва сиёсий муносабатларни билиши керак бўлади.

Бундай одам ҳамма нарсани қадрлайди. Сайловчилар манфаатлари унинг сиёсий интилишининг ҳаракатланувчи кучидан манипуляция воситасига айланади.

Гарчи инсон ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмай, лекин катта сиёсий нафсоният ва уни амалга оширишда кўмаклашишга қодир бой ва обрўли ҳомийларнинг ёрдамига эга бўлган ҳолатда сиёсат ва этика муаммоси бошланади. Бу муаммони айнан мана шундай одамлар юзага келтиради, буни тушунмайдиган «таҳлилчилар» ва «олимлар» бундан умумий хулоса чиқаришга интилади, гўёки сиёсат ва этика қарама-қаршилиги қонуний бўлиб, шунчаки сиёсий беадабликни оқлашади.

Сиёсат этик ва ҳуқуқий нормалар доирасида бўлиши лозим. Бу олий мақсад эмас, балки давр талабидир. Бу ҳаётда керакли бўладиган ижтимоий эҳтиёж. Сиёсат нафақат ҳуқуқ, балки жамиятда умумэътироф этилган одоб-ахлоқ меъёрлари асосида қурилиши даркор. Бугун одоб-ахлоқ ва ҳуқуқий меъёрларга риоя қилмасдан туриб, жамият, айниқса, ижтимоий-иқтисодий ривожланишда олдинга ҳаракат қилиб бўлмайди.

Депутатлар ва вакиллик тизимини шакллантириш масалаларида популизм, сайловчиларни чалғитиш ҳам жиддий муаммо саналади. Баъзида парламент фаолиятига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган кичик ваъдалар ишга солинади. Масалан, ҳар бир овоз берган кишига бир халтадан ун ёки маълум бир қишлоққа газ ўтказиш, маълум кўчадаги йўлга асфальт ётқизиш каби ва ҳоказо. Бунда сўз амалий ишдан устун келса, исталган нарсани гўёки ҳақиқатга айлантиришга уриниш, ваъдабозлик намоён бўлганда, қуруқ дабдабали нутққа зўр берилади.

«Популизм» — бу ҳуқуқий томондан тартибга солиш мураккаб бўлган тушунчадир. Кўп жиҳатдан бу ахлоқий тушунча бўлиб, унга бўлган муносабат одоб-ахлоқ меъёрларига мос равишда бўлиши керак. Адабиётда популизм деганда нафақат мақсади аҳолининг кенг қатлами орасида асоссиз ваъдалар ва сафсата шиорларни оммалаштириш фаолияти тушунилади. Ҳуқуқ нуқтаи назаридан бу усул ноқонуний эмас.

Бироқ популизм оддий тилда айтганда — бу аниқ бир мақсадга йўналтирилган ёлфоннинг бир шакли бўлиб, унинг ёрдамида сиёсатчи сайловчилар овозини ўз томонига оғдиришга уринади. Популизм сиёсатда ҳалол усул эмас. Популизм принципларидан фойдаланадиган кишиларнинг мақсади шак-шубҳасиз етакчиликни таъминлашдир. Улар учун халқ ёки унинг сайловчи сифатида умид боғлаган қисмининг ҳаёти ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Улар учун асосийси омма кайфиятига мослашиш, тегишли тарғиботни ўйлаб топиш ва ҳокимиятга эришиш учун катта ижтимоий кучдан фойдаланишдир.

Популизмга таянган шахслар реалист эмас. Улар учун воқеликка иррационал муносабатда бўлиш, сафсатабозлик, «душманини» излаш, кўплаб эҳтиёжларни қондиришнинг реал имкониятлари эътиборга олинмаганда уларни абсолютлаштириш хосдир. Уларнинг бирдан-бир мақсади ҳокимият, кейинчалик нима бўлишини билишни ҳам исташмайди. Популизмдан турли тарихий даврларда ғоявий-сиёсий моҳияти бўйича турли ижтимоий оқим ва ҳаракатлар («ўнг» популизм, «сўл» популизм ва ҳоказо) фойдаланган. 19 аср охиридан бошлаб популизм турли мамлакатларда, айниқса, инқироз даврларда намоён бўлмоқда.

Агар сиёсатчи ҳалол бўлса, популизмга сайловолди кампаниясининг услуги сифатида мурожаат қилмайди. Популизм — алдаш технологияси, олдиндан бажарил-

маган ваъдаларни тақсимлаш билан боғлиқ ахлоқи номақбул ҳодисадир. Популизм беахлоқ бўлгани боис одамлар ишончини суиистеъмол қилади, ўзгартиради. Сиёсатда ишонч ўта муҳим аҳамият касб этади. Негаки сайловчилар ишончи депутатликка номзоднинг, кейин эса депутатнинг ҳақлиги, содиқлиги, андишалиги ва ҳалоллигига қатъий ишончга асосланган. Қачонки ишонч йўқолса, қайта кўриб чиқиш бошланади, демак, жамият ғоялари ва кадриятлари кадрсизлантирилади, сиёсий барқарорлик пойдевори бузилади. Ишончсиз бунёдкор сиёсат ҳам бўлмайди. Популизм сафсатабозликнинг бир кўриниши. Сафсатабозлик эса — бу ёлгон ва масъулиятсизлик, қатъий хулосалар ва шиорларга, баландпарвоз мулоҳазаларга ҳаддан ташқари берилишдир.

Ошқора профессионал матбуот, электрон ОАВ популизмга қарши курашишнинг биринчи шarti бўлиши керак. Нотўғри маълумотга қарши фақат ишончли ахборот билан курашиш мумкин. Бу жараёнда депутатлар сайловолди кампанияларда берадиган ваъдаларини бажариши устидан жамоат назорати алоҳида ўрин эгаллайди. Кўп нарса парламентдаги конструктив оппозицияни шакллантириш жараёнига боғлиқ. Ушбу ҳолатга қарши курашишда фан ва маърифат катта ҳисса қўшиши мумкин. Маърифат одамларга депутатликка номзодларнинг сиёсий дастурлари ва чиқишларини муҳокама қилишга ёрдам беради.

Сиёсатчилар ва таҳлилчиларнинг фикри популистик дастурлар ва чиқишларни аниқлаш, сайлов кампанияси боришининг самарали мониторингини ташкил этишга кўмаклашиши мумкин. Мустақил экспертлар сиёсий тарғибот маҳсулоти, депутатликка номзодларнинг хулқи ва таржимаи ҳолини ўрганишда популистик тезисларнинг асоссизлигини далиллар билан кўрсатиши, ваъдаларнинг ҳақиқатдан йироқлигини очиб бериш ва исботлаши мумкин.

Депутатликка номзодлар, уларнинг вакиллари ва шу номзодни кўрсатганларнинг шахсий жавобгарлиги бугунги кунда асосий масалага айланмоқда. Депутатликка номзодларни кўрсатаётган партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари улар учун маънавий ва сиёсий жавобгардирлар. Уларнинг сайловолди кампаниясини ўтказишда одоб-ахлоқ нормаларига эътибор бермаслиги нафақат депутатликка номзодни, балки уни кўрсатган ташаббускор гуруҳ, сиёсий партияни беобрў қилишини унутмаслиги лозим.

Одоб-ахлоқ нормалари бузилишига қонунчилик йўл қўймаслиги керак. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш биноларида ва овозларни санашда ўз номзодларини депутатликка кўрсатган сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги қонунига мувофиқ сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш биноларида ва овозларни санашда ўз номзодларини депутатликка кўрсатган сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кузатувчилар ваколати тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— депутатликка номзодни кўрсатиш бўйича йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссиялари мажлисларида иштирок этиш;

— сайлов участкасида бўлиш ва тайёргарлик ишларининг бориши, овоз бериш учун сайлов қутиларини жойлаштириш ва муҳрлаш, фуқароларга сайлов бюллетенлари берилишини кузатиш;

— овозларни санаш ва участка сайлов комиссиясининг ҳужжатларини тузишда иштирок этиш;

— сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхасини сўраб олиш;

— сайлов участкасида мазкур қонун бузилишига йўл қўйилди, дейишга асос бўлса, юқори сайлов комиссиясига ўз кузатувлари ҳақида маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар тақиқланади:

— сайловчи яширин овоз бериш учун сайлов бюллетенига ўз белгиларини қўйишида кабина ёки хонада бўлишлик;

— сайловчиларга таъсир кўрсатиш, бирон-бир ташвиқот материаллари ёки адабиётни тарқатиш;

— сайловчилардан кимга овоз берганлигини сўраш ёки сайловчиларга сайлов бюллетенига белги қўйишда ёрдам бериш;

— участка сайлов комиссияси ишига, шу жумладан, сайлов қутиларини муҳрлаш, очиш, овозларни санашда халақит бериш.

Мазкур нормалар қонун асосида сайловолди кампаниясини ўтказиш мониторингини амалга ошириш, депутатликка номзодлар томонидан одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилишини кузатиш имконини беради.

Шунингдек, қонун ҳужжатлари сайловолди кампаниясини ўтказишда одоб-ахлоқ меъёрлари бузилишига тўсқинлик қилувчи қатор меъёрларни ҳам белгилайди. Чунончи, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ сиёсий партияларга ўзининг бўлғуси фаолияти дастури билан маъруза қилиш ҳуқуқи берилади. Бунда партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши йўналтирилган бўлмаслиги, халқ соғлиғи ва ахлоқига путур етказмаслиги, улар уруш, миллий адоват, ирқий ва диний душманлик тарғиботлари, конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлигини чекловчи хатти-ҳаракатларга даъватлар бўлмаслиги лозим. Сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шароитда товарлар, хизматлар (ахборот хизматларидан ташқари), пул бериш орқали ташвиқот ўтказиш тақиқланади.

Сайловолди кампанияси давомида одоб-ахлоқ талабларини бузган депутатликка номзодга таъсир кўрсатишнинг ҳуқуқий воситалари сифатида депутатликка номзод мақомидан маҳрум қилиш меъёрларини кўрсатиш мумкин. Масалан, сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (туман ва шаҳарлар кенгашлари сайловларида), сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари сайловдан беш кун олдин у ёки бу шахсни депутатликка номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Шунга асосан бу шахс тегишли сайлов комиссияси (маҳаллий кенгашларга сайловларда) ва Марказий сайлов комиссияси томонидан (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловларда) депутатликка номзод мақомидан маҳрум бўлиши мумкин. Сиёсий партия, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи (туман ва шаҳар кенгашларига сайловларда) депутатликка номзод қилиб кўрсатиш муддати тугагунча тегишли сайлов комиссияси ва Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш таклифини киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатликка номзоднинг профессионал хислатларини баҳолаш мезонларидан бири маҳаллий кенгашда депутат сифатида ишлаганлигининг ижобий тажрибаси бўлиши мумкин. Номзод мамлакатдаги, айниқса, ижтимоий соҳа ва иқтисодиётдаги реал вазиятни яхши билиши даркор.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, депутатликка номзодларнинг хулқ-атвори нафақат жамият сиёсий маданияти аҳволининг кўзгуси, балки фуқароларнинг сайловлар институтига муносабатини шакллантиришга таъсир қилувчи энг муҳим омил ҳисобланади. Агарда депутатликка номзод ўз қадр-қимматини билса, сайлов кампанияси давомида мулоқотда бўладиган бошқа депутатликка номзодлар, мансабдор шахслар ва фуқароларни ҳурмат қилса, у албатта, кўпчилик сайловчиларнинг эътиборини ўзига қаратади. Депутатликка номзодларнинг ўзини бундай тутиши нафақат сайловлар институти, балки демократиянинг нуфузини ҳам оширади.

**АСЛИДДИН РУСТАМОВ,**  
*Ўзбекистон Халқ демократик партияси*  
*Марказий Кенгаши биринчи котиби*

## **ПАРЛАМЕНТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРЛАНИШ**

Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганидан буён ҳақиқий кўппартиявийликни қарор топтириш учун зарур шароитлар яратиш юзасидан изчил ва мақсадли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунда ривожланган демократик давлатларда қабул қилинган қоида ва ёндашувларга мос келувчи зарур ҳуқуқий асосларни шакллантиришга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан амалга оширилаётган Олий Мажлисни икки палатали профессионал парламентга айлантириш ва унинг қўйи — Қонунчилик палатасида, асосан, партиявий вакилликни таъминлашга қаратилган парламент ислоҳоти демократик ўзгартиришлар бош йўналишидаги муҳим босқич бўлди.

Парламент ислоҳотини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш босқичида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, энг аввало, сиёсий партияларнинг фаолият майдонини, уларнинг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлашдаги иштироки ва кейинги парламент фаолиятини ташкил этиш нуқтаи назаридан жиддий равишда ўзгартирди.

Парламент ислоҳоти доирасида қабул қилинган Олий Мажлис палаталари тўғрисидаги конституциявий қонунлар, сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар мазмунига батафсил тўхталмасдан, мен келгуси сайлов кампаниясининг 1994 ва 1999 йиллардаги парламент сайловларидан жиддий фарқ қиладиган иккита ҳолатга эътиборни қаратмоқчиман.

Биринчидан, бу — 2004 йил сайловларининг деярли тўлиқ равишда кўппартиявийлик асосида ўтказилиши. Уларда бундан буён давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари ўз номзодларини кўрсатувчи субъект сифатида иштирок этмайдилар. Иккинчидан, Олий Мажлиснинг XIV сессиясида қабул қилинган сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонунда ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган умумий меъёрларга яқин бўлган, партияларнинг сайловларда иштирокини молиялаштиришнинг етарли даражада юқори меъёрлари ва мутлақо янги мурувватлари кўзда тутилган.

Бу, сўзсиз, сайловолди рақобатни кучайтиради, сиёсий партияларнинг янги икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатасида етакчилик қилиш учун курашини мазмунан бойитиб, унга электоратнинг қизиқиши ва эътиборини жалб этади.

Аввалги сайлов кампанияларига нисбатан, фақат сўзда эмас, амалда Марказий сайлов комиссиясининг сиёсий партияларнинг 2004 йил сайловларидаги иштироки тўлақонли ва самарали бўлишига манфаатдорлик билан қизиқаётганлиги ёрқин намён бўлмоқда. Бунда фақат сайлов тўғрисидаги қонунчиликка оғишмай риоя этишни таъминлаш йўли билан эмас, балки 2004 йил сайловлари барча иштирокчилари жа-

ҳон ҳамжамиятида умум қабул қилинган сайловолди одоб-ахлоқ меъёрларига риоя этишларига фаол кўмаклашишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон ХДП учун 2004 йил сайловлари учинчи марта куч синаш бўлади. Шунинг учун партиямиз декабрь ойида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига бўладиган сайловларга 1994 ва 1999 йиллар парламент сайловларида олинган сабоқларни ҳисобга олиб тайёрлашни муҳим, деб ҳисоблайди.

1994 йил сайловлари якуни бўйича ХДПнинг Олий Мажлисидаги фракцияси 70 депутатдан иборат бўлиб, умумий депутатлар сонининг 28 фоизини ташкил этар эди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари биринчи чақирғида ХДП вакиллари 47 фоизни ташкил этишган.

1999 йил сайловлари натижасида биз эгаллаб турган мавқеимизни муайян даража бой берган бўлсак-да, ХДП Олий Мажлисида ҳали ҳам 48 депутатдан иборат энг нуфузли партиявий фракциялардан бирига эга. Фракциямиз сон жиҳатидан фақат 2000 йил апрель ойида «Ватан тараққиёти» партияси билан бирлашиб, биринчи ўринга чиққан «Фидокорлар» Миллий демократик партиясидан кейинги ўринда туради. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига ХДПдан сайланган депутатлар вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлар корпусининг 37,4 фоизини ташкил этиб, ҳали ҳам етакчи ўринларни эгаллаб туришибди.

1999 йил сайловлари натижаларига баҳо берар эканмиз, биз парламентда ҳақиқий кўпчиликни эгаллаган, сайловларда ғолиб бўлган, мамлакат парламенти биринчи ва иккинчи чақирғида ўз номзодларини кўрсатган давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари эканлигидан келиб чиқамиз. Шунини қайд этиш керакки, иккинчи чақирғида парламентдаги барча партиялар вакилларининг умумий сони 50 фоизга ҳам етмайди.

Барча сиёсий партияларнинг (фақат ХДПнинг эмас) 1999 йил сайловларидаги умумий омадсизлиги сайлов кампаниясига тайёргарлик кўриш ва ўтказишда йўл қўйилган қатор хато ва камчиликлар оқибати эди.

Энг катта хато шу эдики, партиялар давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларини ўзларининг энг асосий рақиблари, деб ҳисобламадилар. Уларда 1999 йил сайловлари олдидан сиёсий партиялар сонининг кўпайиши давлат ҳокимияти маҳаллий органларини ўз ўзидан янги чақирғи парламентида сурилиб, жой беришга мажбур қилади, деган хато фикр бор эди.

Устига устак, айрим сиёсий партияларнинг сайловолди платформалари сайловчиларни безовта қилаётган масалаларни ўз ичига етарли даражада қамраб олмаган эди.

Давлат ҳокимияти вакиллик органлари эса Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари орқали матбуотда ўз номзодлари келгуси фаолият дастурларини баён этишда, аввало, тегишли минтақаларда иккинчи чақирғи мобайнида биринчи галда ҳал этиладиган муайян ижтимоий муаммоларга эътиборни қаратдилар.

Ўтган сайлов кампанияси жараёнида барибир маҳаллий ҳокимият тузилмалари томонидан «маъмурий босим»дан фойдаланиш ҳоллари билан дуч келганда, биз, афсуски, андиша тўсиғидан сакраб ўтолмадик. Шунинг учун биз янги сайловларга тайёргарлик кўрар эканмиз, партия ташкилотларини яқин ўтмиш сабоқларини унутмасликка чақирмоқдамиз.

Партиямиз ўзининг бу галги сайловолди дастурини ишлаб чиқишда бошқача ёндашиб, унда аҳолини кўпроқ безовта қилаётган муаммоларни кўтариб, улар юзасидан партиямизнинг аниқ ва кўпчиликка тушунарли таклифларини баён этмоқчимиз.



Дастлаб биз бундай масалалар юзасидан ўз нуқтаи назаримизни 2003—2004 йиллардаги Марказий Кенгаш пленумларида белгилаб олдик. Шу билан бирга охириги икки йил давомида бу масалаларни давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги ХДП депутатлар гуруҳлари орқали ҳал этиш юзасидан муайян тажриба тўпланган. Бу борада жорий йил II—III чоракларида бўлиб ўтган бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-сайловлари ва вилоят, туман ва шаҳар партия ташкилотлари конференциялари сезиларли туртки берди. Уларда юқорида қайд этилган ва бошқа кўплаб ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалалар жиддий равишда муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ХДП давлат ҳокимияти қонунчилик-вакиллик тармоғининг ҳамма даражаларида барча сайлов округларидан ўз номзодларини кўрсатишни мўлжалламоқда. Яъни, гап Қонунчилик палатаси депутатлигига 120 та номзод, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 800 тадан ортиқ ва вилоят бўйсунувидаги туман ва шаҳар Кенгашларига 5200 тадан ортиқ номзодларни кўрсатиш тўғрисида кетмоқда.

Бу ишларнинг барчасига партия фаоллари жалб этилади. Асосан, Ўзбекистон ХДП аъзоларидан депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари таркиби ташкил топади. Кўплаб партия аъзолари сайлов арафасида депутатликка номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан ташвиқот ишларини олиб боришга жалб этиладилар.

Сайлов қонунчилигига мувофиқ сайлов округлари ва участкаларида ХДПдан кўзатувчи этиб тайинланадиган фаоллар билан ишлашга алоҳида эътибор берилади.

Партия фаолларини сайловолди ишларини қонунчиликка мувофиқ олиб боришга тайёрлашда Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкентда ва барча минтақаларда уюштирилган семинар-тренинглار муҳим аҳамият касб этди.

Табиийки, Ўзбекистон ХДП барча бошқа сиёсий партиялар каби, сайловларда Қонунчилик палатаси депутатлик корпусида ҳам, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида ҳам нуфузли ўринларни эгаллашни мўлжалламоқда.

Биз бу сайловларда сайловчилар овози учун қизгин кураш бўлишини яхши тушунамиз ва шунга мувофиқ партия ташкилотларини унга тайёрламоқдамиз.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ  
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА  
ҚАТНАШИШИГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашиш учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишга ижозат берилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 15 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРЛАР МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ҚАТНАШИШИГА  
ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашиш учун Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат берилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 16 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН  
ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ  
САЙЛОВИДА ҚАТНАШИШИГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашиш учун Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат берилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАҒАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 17 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ҚАТНАШИШИГА  
ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашиш учун Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат берилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 21 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ  
ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИДА ҚАТНАШИШИГА ИЖОЗАТ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашиш учун Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат берилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 21 октябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДАГИ  
ВАКОЛАТХОНАЛАРИ ҲУЗУРИДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА  
САЙЛОВ ОКРУГИГА БИРИКТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида қуйидаги сайлов участкалари тузилсин:

- |                     |   |
|---------------------|---|
| 1-сайлов участкаси  | <b>Анқара шаҳри</b> (Туркия)                    |
| 2-сайлов участкаси  | <b>Афина шаҳри</b> (Греция)                     |
| 3-сайлов участкаси  | <b>Ашхобод шаҳри</b> (Туркменистон)             |
| 4-сайлов участкаси  | <b>Бангкок шаҳри</b> (Таиланд)                  |
| 5-сайлов участкаси  | <b>Берлин шаҳри</b> (Германия)                  |
| 6-сайлов участкаси  | <b>Бишкек шаҳри</b> (Қирғизистон)               |
| 7-сайлов участкаси  | <b>Боку шаҳри</b> (Озарбайжон)                  |
| 8-сайлов участкаси  | <b>Брюссель шаҳри</b> (Бельгия)                 |
| 9-сайлов участкаси  | <b>Вашингтон шаҳри</b> (Америка Қўшма Штатлари) |
| 10-сайлов участкаси | <b>Варшава шаҳри</b> (Польша)                   |
| 11-сайлов участкаси | <b>Вена шаҳри</b> (Австрия)                     |
| 12-сайлов участкаси | <b>Деҳли шаҳри</b> (Ҳиндистон)                  |
| 13-сайлов участкаси | <b>Душанба шаҳри</b> (Тожикистон)               |
| 14-сайлов участкаси | <b>Дубай шаҳри</b> (Бирлашган Араб Амирликлари) |
| 15-сайлов участкаси | <b>Жакарта шаҳри</b> (Индонезия)                |
| 16-сайлов участкаси | <b>Женева шаҳри</b> (Швейцария)                 |
| 17-сайлов участкаси | <b>Жидда шаҳри</b> (Саудия Арабистон)           |
| 18-сайлов участкаси | <b>Исломобод шаҳри</b> (Покистон)               |
| 19-сайлов участкаси | <b>Истамбул шаҳри</b> (Туркия)                  |
| 20-сайлов участкаси | <b>Киев шаҳри</b> (Украина)                     |
| 21-сайлов участкаси | <b>Куала-Лумпур шаҳри</b> (Малайзия)            |
| 22-сайлов участкаси | <b>Лондон шаҳри</b> (Буюк Британия)             |
| 23-сайлов участкаси | <b>Мозори-Шариф шаҳри</b> (Афғонистон)          |
| 24-сайлов участкаси | <b>Москва шаҳри</b> (Россия)                    |
| 25-сайлов участкаси | <b>Нью-Йорк шаҳри</b> (Америка Қўшма Штатлари)  |
| 26-сайлов участкаси | <b>Нью-Йорк шаҳри</b> (Америка Қўшма Штатлари)  |
| 27-сайлов участкаси | <b>Олма-ота шаҳри</b> (Қозоғистон)              |
| 28-сайлов участкаси | <b>Пекин шаҳри</b> (Хитой)                      |
| 29-сайлов участкаси | <b>Париж шаҳри</b> (Франция)                    |
| 30-сайлов участкаси | <b>Рим шаҳри</b> (Италия)                       |
| 31-сайлов участкаси | <b>Рига шаҳри</b> (Латвия)                      |
| 32-сайлов участкаси | <b>Кимхе шаҳри</b> (Корея)                      |

33-сайлов участкаси	<b>Сеул шаҳри</b> (Корея)
34-сайлов участкаси	<b>Тель-Авив шаҳри</b> (Исроил ва Палестин автономияси)
35-сайлов участкаси	<b>Токио шаҳри</b> (Япония)
36-сайлов участкаси	<b>Техрон шаҳри</b> (Эрон шаҳри)
37-сайлов участкаси	<b>Эр-Рияд</b> (Саудия Арабистони)
38-сайлов участкаси	<b>Қобул шаҳри</b> (Афғонистон)
39-сайлов участкаси	<b>Қоҳира шаҳри</b> (Миср)
40-сайлов участкаси	<b>Франкфурт-на-Майне шаҳри</b> (Германия)

2. Ушбу сайлов участкалари Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 3-Темир йўл сайлов округига бириктирилсин.

3. Республика Ташқи ишлар вазирлигидан (С.С.Сафаев) хорижий давлатлардаги ваколатхоналар ҳузурида тузиладиган участка сайлов комиссиялари билан Марказий сайлов комиссияси ўртасида узлуксиз алоқа ўрнатилишида кўмак берилиши сўралсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари С.Ходжаевага юклатилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 21 октябрь.*



**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ҚОНУННИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАРГА ТЕГИШЛИ АЙРИМ  
ҚОИДАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР МАСАЛАЛАР ҲАҚИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 24, 31 ва 48-моддалари талаблари бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни тақдим этганларидан кейин ушбу номзодлар расмий равишда рўйхатга олинганларига қадар фақат номзод вафот этганида ёки соғлиғининг ёмонлашгани сабабли ёхуд уни обрўсизлантирувчи далиллар аниқлангандагина алмаштирилиши мумкин.

2. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоднинг, башарти у Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлса, бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризасининг намунаси тасдиқлансин (илова қилинади).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асосида Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олганидан кейин депутатнинг иш жойига у депутат этиб сайланганлиги ва шу сабаб эгаллаб турган вазифасидан қонунда белгиланган муддатларда ва ўрнатилган тартибда озод этилиши лозимлиги тўғрисидаги таклиф қайд этилган хабарнома юборади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Қонунчилик палатаси депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълум қилиши шарт. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг ушбу талаби бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси зиммасига юклатилади.

5. Ушбу қарор бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Ходжаевага топширилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 21 октябрь.*

Н А М У Н А

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига**

**сайлов округидан номзоди кўрсатилган**  
\_\_\_\_\_ **дан**

**АРИЗА**

Мен \_\_\_\_\_  
(вазифаси (хизмати), фамилияси, исми, отасининг исми)

башарти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангудек бўлсам, бажариб турган вазифамдан ўз ихтиёрим билан бўшайман ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун 48-моддасининг иккинчи қисмига асосан бу ҳақда Марказий сайлов комиссиясига маълум қиламан.

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(фамилия, исми, шарифи)

\_\_\_\_\_  
(сана)

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК  
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА СИЁСИЙ  
ПАРТИЯЛАР, САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ, ДЕПУТАТЛИККА  
НОМЗОДЛАРНИНГ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА  
САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига, асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этаётган депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш имкониятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг барча давлат оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо бўйича, яъни қуйидаги тартибда амалга оширилсин:

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси;
2. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси;
3. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази;
4. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси;
5. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси;
6. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

Мазкур қарорда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларнинг белгиланган тартиби мулкчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситаларида жорий этилсин.

2. Республика телевидениесининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телеканаллари, шунингдек, республика радиосининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» радиоканалларида сиёсий партиялар, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди кампанияси даврида чиқишларининг ҳафталик жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида ҳар ҳафтада сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг чиқишлари учун ажратилган босма майдони ва нашр қилиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг маҳаллий органлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари улар ташвиқот олиб бораётган ҳудудда маҳаллий давлат телевидениеси, радиоси ва даврий матбуот нашрларида алифбо тартибда амалга оширилсин.

Сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги органлари, мазкур ҳудудлардан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар «Тошкент» телеканалидан ва «Дўстлик» радиоканалидан фойдалансинлар.

5. Сиёсий партиялар, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 18 сентябрдаги 198-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқоти ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р. Шоғуломов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари, депутатликка номзодларнинг республика оммавий ахборот воситаларида чиқишлари мониторингини юритсин.

Бу борадаги маълумотлар ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

7. «Ўзтелерадио» компанияси (А. Кўчимов), «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталари таҳририятлари (А. Усмонов, Б. Ҳасанов), шунингдек, маҳаллий даврий матбуот нашрларининг таҳририятлари сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг вакиллари ҳамда депутатликка номзодларнинг тегишли оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти доирасида чиқишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминласинлар.

8. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Ходжаева зиммасига юклатилсин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 8 ноябрь.*

**Ўзбекистон Телерадиокомпанияси каналларида ҳафта давомида сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг эфирга чиқиш жадвали**

№ т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази	ЎзТВ-1	«Ёшлар» телеканалли	«Ўзбекистон» радиоканали	«Ёшлар» радиоканали
1.	Душанба	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№1)	7.10 — 7.25 20.20 — 20.25 21.05 — 21.20 5 дақиқа — роликлар	7.35 — 7.50 * 19.35 — 19.50 21.55 — 22.00 5 дақиқа — роликлар	10.00 — 10.05 10.05 — 10.20 15.55 — 15.15 5 дақиқа — роликлар	8.00 — 8.05 8.05 — 8.20 16.30 — 16.45 5 дақиқа — роликлар
2.	Сешанба	Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси(№2)	7.10 — 7.25 20.20 — 20.25 21.05 — 21.20 5 дақиқа — роликлар	7.35 — 7.50 19.35 — 19.50 21.55 — 22.00 5 дақиқа — роликлар	10.00 — 10.05 10.05 — 10.20 15.55 — 15.15 5 дақиқа — роликлар	8.00 — 8.05 8.05 — 8.20 16.30 — 16.45 5 дақиқа — роликлар
3.	Чоршанба	Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази (№3)	7.10 — 7.25 20.20 — 20.25 21.05 — 21.20 5 дақиқа — роликлар	7.35 — 7.50 19.35 — 19.50 21.55 — 22.00 5 дақиқа — роликлар	10.00 — 10.05 10.05 — 10.20 15.55 — 15.15 5 дақиқа — роликлар	8.00 — 8.05 8.05 — 8.20 16.30 — 16.45 5 дақиқа — роликлар
4.	Пайшанба	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№4)	7.10 — 7.25 20.20 — 20.25 21.05 — 21.20 5 дақиқа — роликлар	7.35 — 7.50 19.35 — 19.50 21.55 — 22.00 5 дақиқа — роликлар	10.00 — 10.05 10.05 — 10.20 15.55 — 15.15 5 дақиқа — роликлар	8.00 — 8.05 8.05 — 8.20 16.30 — 16.45 5 дақиқа — роликлар
5.	Жума	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси (№5)	7.10 — 7.25 20.20 — 20.25 21.05 — 21.20 5 дақиқа — роликлар	7.35 — 7.50 19.35 — 19.50 21.55 — 22.00 5 дақиқа — роликлар	10.00 — 10.05 10.05 — 10.20 15.55 — 15.15 5 дақиқа — роликлар	8.00 — 8.05 8.05 — 8.20 16.30 — 16.45 5 дақиқа — роликлар
6.	Шанба	Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№6)	7.10 — 7.25 20.20 — 20.25 21.05 — 21.20 5 дақиқа — роликлар	7.35 — 7.50 19.35 — 19.50 21.55 — 22.00 5 дақиқа — роликлар	10.00 — 10.05 10.05 — 10.20 15.55 — 15.15 5 дақиқа — роликлар	8.00 — 8.05 8.05 — 8.20 16.30 — 16.45 5 дақиқа — роликлар

**И з о ҳ:** Ҳар бир сиёсий партияга, Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказига бир хил эфир вақти, яъни ҳафтасига 40 дақиқадан, шу жумладан, кўрсатув (эшиттириш)га 15 дақиқадан 2 марта, 5 дақиқа — сиёсий партия етакчисига, 5 дақиқа — теле (радио) роликлар учун ажратилади. Теле (радио) роликлар ҳафта давомида барчаси (6 таси) ёнма-ён ва бир вақтда берилади.

\* «Ёшлар» телеканаллида профилактика муносабати билан «Адолат» партияси вакилларининг бу вақтдаги чиқишлари якшанба кунини шу вақтга ўтказилди.

**Сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази  
вакилларининг сайловолди ташвиқоти материалларини  
«Халқ сўзи» газетасида нашр қилиш**

**Ж А Д В А Л И**

№ т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партия ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази	Биринчи саҳифа	Иккинчи саҳифа
			Анонс учун	Материал учун
1.	Сешанба	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№1); Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан
2.	Пайшанба	Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази (№3); Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№4)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан
3.	Шанба	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси (№5); Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№6)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан

**Сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази  
вакилларининг сайловолди ташвиқоти материалларини  
«Народное слово» газетасида нашр қилиш**

**Ж А Д В А Л И**

№ т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партия ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази	Биринчи саҳифа	Иккинчи саҳифа
			Анонс учун	Материал учун
1.	Чоршанба	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№1); Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан
2.	Жума	Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази (№3); Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№4)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан
3.	Шанба	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси (№5); Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№6)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан

**Сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази  
вакилларининг сайловолди ташвиқоти материалларини  
«Правда Востока» газетасида нашр қилиш**

**Ж А Д В А Л И**

№ т/р	Ҳафта кунлари	Сиёсий партия ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази	Биринчи саҳифа	Иккинчи саҳифа
			Анонс учун	Материал учун
1.	Сешанба	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (№1); Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси (№2)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан
2.	Пайшанба	Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази (№3); Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси (№4)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан
3.	Жума	Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси (№5); Ўзбекистон Халқ демократик партияси (№6)	юқори қисми ўнг томонида	ёнма-ён ҳар бирига 1/2 саҳифадан

**Изоҳ:** Газетанинг ҳар бир сонида сайловолди ташвиқоти материалларини нашр қилиш учун газетанинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади. Агар сешанба ва чоршанба кунлари расмий хабарлар кўпайса, сайловолди ташвиқоти материаллари нашр қилинишининг жадвалда белгиланган муддати кейинги кунга кўчирилиши мумкин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ  
ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИГА ДОИР САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ ВА САЙЛОВ  
ВАРАҚАСИ НАМУНАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддаси 10-банди, 35, 36, 41-моддаларига ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов varaқаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов varaқаси қалинлиги 70 гр/м<sup>2</sup>, сув белгили, оппоқлиги камида 85 фоиз бўлган, «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкент типография фабрикаси томонидан тайёрланган матбаа офсет қоғозиде босилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов varaқасининг ҳажми А-4, 297x210мм дан иборат бўлиши лозим;

сайлов бюллетени ва сайлов varaқасининг матни сайлов бюллетени ҳамда сайлов varaқасининг фақат бир томонига бир хил (қора) рангда жойлаштирилади, бунда қуйидагилар тўқ қора ҳарфларда ажратиб кўрсатилади:

- а) сайлов бюллетени ва сайлов varaқасининг номланиши;
- б) сайлов округининг номланиши;
- в) сайлов ўтказиш санаси;
- г) депутатликка номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- д) депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи;
- е) сайлов бюллетени, сайлов varaқасининг пастки қисмида катта ҳарфлар билан жойлаштирилган уларни тўлдириш тартиби бўйича тушунтириш;

ҳар бир номзод ҳақидаги маълумотлар бошқа номзод маълумотларидан тўқ қалин чизиқ билан ажратилган бўлиши керак;

сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқалари фақат округ сайлов комиссияларининг қарори бўйича ҳамда кузатуви остиде сайлов ҳужжатларини тайёрлаш учун техник жиҳатдан жиҳозланган матбаа ташкилотларида тайёрланади;

матбаа ташкилоти сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқаларининг яроқли ёки яроқсизлигини текширади ҳамда уларни сайлов бюллетенлари ва сайлов varaқаларини олиш ваколлатига эга бўлган, уларни тайёрлаш учун буюртма берган округ сайлов комиссияси аъзоларига далолатнома асосиде топширади, далолатномада унинг тузилган санаси ва вақти, шунингдек топширилаётган сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов varaқаларининг сони кўрсатилади. Буюртмага мувофиқ миқдордаги сайлов



бюллетенлари ва сайлов варақалари топширилгандан кейин матбаа ташкилоти ходимлари яроқсиз деб топилган ва ортиқча сайлов бюллетенлари ҳамда сайлов варақаларини дарҳол йўқ қиладилар ва бу ҳақда далолатнома тузадилар, далолатнома барча ҳозир бўлганлар томонидан имзоланади.

3. Таъкидлансинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини округ сайлов комиссияларидан сайловга камида уч кун қолганида оладилар;

участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

ҳар бир рўйхатга олинган номзод тўғрисидаги маълумотларнинг ўнг томонига бўш катакчалар жойлаштирилади;

ҳар бир сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак;

овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияларининг аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

сайлов варақалари сайлов ўтказилишидан ўн беш кун олдин участка сайлов комиссиясига келтирилиши керак;

участка сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиясидан олинган сайлов варақаларининг сони, қоида тариқасида, сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатига киритилган сайловчилар сонининг ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас;

сайлов варақасининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;

овоз бериш тугагач фойдаланилмаган барча сайлов варақалари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари 2004 йилнинг 1 декабридан кечиктирмасдан Марказий сайлов комиссиясининг тегишли сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодни рўйхатга олиш бўйича қарорига биноан Марказий сайлов комиссияси тасдиқлаган намунага мувофиқ сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларининг матнларини тасдиқласинлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг чоп этилиши лозим бўлган миқдорини белгиласинлар.

6. Округ сайлов комиссиялари участка сайлов комиссияларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови-

га доир сайлов варақалари билан 2004 йилнинг 11 декабрига қадар, сайлов бюллетенлари билан 2004 йилнинг 23 декабрига қадар таъминлашни ташкил этсинлар.

7. Округ сайлов комиссияси томонидан участка сайлов комиссиясига сайлов бюллетенлари ва сайлов варақаларини топшириш далолатномасининг намунаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини ташкил этиш Марказий сайлов комиссияси раисининг уринбосари С. Ходжаева зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов  
комиссиясининг Раиси**

**Б. МУСТАФАЕВ**

*Тошкент шаҳри,  
2004 йил 20 ноябрь.*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати сайловига доир  
САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

Участка сайлов  
комиссияси-  
нинг муҳри

(имзо)

(имзо)

00-Наврўз сайлов округи

2004 йил 26 декабрь

51

№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этибким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)	Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги — крестик қўйинг
1	<b>АНТОНОВ Михаил Михайлович</b> , 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори <b>Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси</b>	<input type="checkbox"/>
2	<b>БОТИРОВ Турсун Пўлатович</b> , 1940 й. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари <b>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси</b>	<input type="checkbox"/>
3	<b>РАСУЛОВ Ботир Ғуломович</b> , 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими <b>Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси</b>	<input type="checkbox"/>
4	<b>УМАРОВ Ўктам Рўзиевич</b> , 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси <b>Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи</b>	<input type="checkbox"/>
5	<b>ФОЗИЛОВ Маҳмуд Маҳкамович</b> , 1965 й. Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси <b>Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)</b>	<input type="checkbox"/>
6	<b>ЯНГИБОЕВА Шаҳло Рустамовна</b> , 1954 й. Бекобод шаҳри 15-ўрта мактаб директори <b>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)</b>	<input type="checkbox"/>

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги-крестик қўйинг.  
Биттадан ортиқ бўш катакчага белги-крестик қўйилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати сайловига доир  
САЙЛОВ ВАРАҚАСИ**



(имзо)

(имзо)

**00-Наврўз сайлов округи****2004 йил 26 декабрь**

№	Депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), уни депутатликка номзод этибким кўрсатган (сиёсий партия, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи)	Кимни ёқлаб овоз берсангиз, фамилияси рўпарасида белги — крестик қўйинг
1	<b>АНТОНОВ Михаил Михайлович</b> , 1936 й. Темир йўллари машиналарини таъмирлаш бирлашмаси бош директори <b>Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси</b>	<input type="checkbox"/>
2	<b>БОТИРОВ Турсун Пўлатович</b> , 1940 й. «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари <b>Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси</b>	<input type="checkbox"/>
3	<b>РАСУЛОВ Ботир Ғуломович</b> , 1970 й. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими <b>Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси</b>	<input type="checkbox"/>
4	<b>УМАРОВ Ўктам Рўзиевич</b> , 1948 й. Тошкент электротехника заводи бош муҳандиси <b>Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи</b>	<input type="checkbox"/>
5	<b>ФОЗИЛОВ Маҳмуд Маҳкамович</b> , 1965 й. Кўчмас мулк ва хорижий сармоялар миллий агентлиги бош мутахассиси <b>Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеП)</b>	<input type="checkbox"/>
6	<b>ЯНГИБОЕВА Шаҳло Рустамовна</b> , 1954 й. Бекобод шаҳри 15-ўрта мактаб директори <b>Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП)</b>	<input type="checkbox"/>

Ўзингиз ёқлаб овоз бераётган номзод фамилиясининг ўнг томонидаги бўш катакчага белги-крестик қўйинг.  
Биттадан ортиқ бўш катакчага белги-крестик қўйилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб топилади.  
Тўлдирилган сайлов varaқаси конвертга солиниб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутатлигига сайлов ўтказувчи  
00-Наврўз округ сайлов комиссияси

\_\_\_\_\_ участка сайлов комиссиясига топширилган  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати  
сайловига доир сайлов бюллетенлари (варақалари) нинг \_\_\_\_\_-сон

ТОПШИРИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ

2004 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

Топширувчи \_\_\_\_\_ округ сайлов комиссиясининг

(раиси, раис ўринбосари, котиби, фамилияси, исми, отасининг исми)

Қабул қилиб олувчи \_\_\_\_\_-сон участка сайлов комиссиясининг

(раиси, раис ўринбосари, котиби, фамилияси, исми, отасининг исми)

Топширувчи: округ сайлов комиссияси вакили тўлдирадиган устунлар			Олувчи: участка сайлов комиссияси вакили тўлдирадиган устунлар		
Топширдим (сайлов бюллетенлари ёки варақалари)	Сайлов бюллетенлари (варақалари) нинг миқдори	Имзо ва имзо қўйилган сана	Қабул қилдим (сайлов бюллетени ёки варақалари)	Сайлов бюллетенлари (варақалари) нинг миқдори	Имзо ва имзо қўйилган сана

**Э с л а т м а :** топширувчи ва олувчининг имзолари тегишли сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади;  
реестр икки нусхада тўлдирилади, биринчи нусхаси округ сайлов комиссияси раисида, иккинчи нусхаси участка сайлов комиссияси раисида сақланади.

## ХАБАРЛАР

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафаев олиб борди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, 11 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясига ҳужжатлар тақдим этган Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

\* \* \*

21 октябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида хорижий ва маҳаллий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича сайлов округларини тузиш ва округ сайлов комиссияларини шакллантириш борасида қилинган ишлар ҳақида қисқача ахборот берди.

Шунингдек, шу кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида иштирок этишга Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясига, Ишбилармонлар ва тадбиркорлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясига ижозат берилганлиги ҳамда бошқа партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёни давом этаётганлиги маълум қилинди. Шу билан бирга парламент қўйи палатасига депутатликка номзодлар кўрсатишда фуқароларнинг иштироки ҳақида ҳам фикр юритилди.

\* \* \*

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафаев олиб борди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишга ижозат берган эди. Имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширувчи ишчи гуруҳининг ҳулосасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Миллий тикланиш партиясига Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида қатнашишга ижозат бериш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш ва уларни сайлов округига бириктириш масаласини кўриб чиқди ва бу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

\* \* \*

22 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари билан округ сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш бўйича республика семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Бўритош Мустафаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғриси»ги Қонуннинг бир хил, аниқ ижросини таъминлаш мақсадида, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг йўриқнома ва низомлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу ҳақида Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Сайёра Ходжаева ўз сўзида батафсил тўхталиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси котиби Ойбек Соатов парламент сайловини ташкиллаштириш ва молиялаштириш масалаларига семинар иштирокчиларининг эътиборларини жалб қилди.

Шунингдек, семинарда фуқаролик жамиятида сайловлар аҳамияти, сайлов қонунчилигининг хусусиятлари, мазмун-моҳияти, сайлов борасида ошкоралик ва очиқликни таъминлаш ҳақида ҳам фикр юритилди.

Семинар иши амалий руҳда ўтиб, унинг қатнашчилари ўзларини қизиқтирган масалалар хусусида тегишли маълумот олиш имконига эга бўдилар.

\* \* \*

25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Сайёра Ходжаева Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси сиёсий масалалари бўйича иккинчи котиби Соичиро Тоёшима билан унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Референдум, уни ўтказиш бўйича Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Марказий сайлов комиссияси аъзоси К.Адилов иштирок этди.

\* \* \*

26 октябрь куни пойтахтдаги «Dedeman Silk Road» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзудаги халқаро учрашув — давра суҳбати Тошкент давлат юридик институти томонидан Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Ривожланиш мақсадида кўмаклашиш» (БМТ Тараққиёт дастури) дастури, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Нагоя университети (Япония) билан биргаликда ташкил этилди.

Унда дипломатик миссиялар раҳбарлари, халқаро ташкилотлар экспертлари, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Словакия, АҚШ, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва бошқа мамлакатлардан сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, Олий Мажлис депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари иштирок этди.

Учрашувда эксперт Паула Ньюбергнинг (АҚШ) «Демократик сайловларни ўтказиш учун халқаро стандартлар», М.Периданинг (Ҳиндистон) «Ҳиндистон мисолида демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари, сайлов тизимидаги ислохотлар» мавзудаги, Ким Юн Сукнинг (Корея Республикаси) Жанубий Кореяда сайлов қонунчилигини ислоҳ қилишга бағишланган, япониялик Шигеру Кодаманинг ушбу мамлакат парламентининг икки палатали тизими, Леонид Гусевнинг (Россия) демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартларидан фойдаланиш борасида Россия тажрибаси тўғрисидаги маърузаси, бошқа мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар экспертларининг чиқишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нурмарк бундай учрашувлар ҳамкорликдаги ишларнинг йўналишини белгилаш имконини беради, деди. ЕХХТнинг демократик сайловларни ўтказиш борасидаги асосий стандартлари Инсон мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида белгилаб берилган. Бу стандартлар етгита асосий тамойил — универсаллик, тенглик, эркинлик, ҳалоллик, махфийлик, аниқлик ва ҳисобдорликдан иборат. Ўзбекистондаги бу галги сайлов кампаниясида аввалги сайловларга нисбатан муайян ютуқлар кўзга ташланмоқда. Сайловчиларни кенгроқ хабардор қилиш борасида

кўплаб ишлар қилинди. ЕХХТ ушбу соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон парламенти билан яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Сентябрь охирида халқаро стандартлар бўйича демократик сайловларга тайёргарликни баҳолаш учун ЕХХТ миссияси ташкил этилган эди. Унинг натижаларига кўра, Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюроси сайловларни кузатиш учун Ўзбекистонга ЕХХТнинг чекланган миссиясини жўнатишни тавсия қилди.

Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги билан танишгач, бизнинг қонунчилигимизда ҳам инобатга олса бўладиган ижобий жиҳатлар борлигига амин бўлдим, деди Ҳиндистон Марказий сайлов комиссияси котиби Р.К.Сривастава. Ўзбекистонда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш борасида бу жараённи янада демократлаштиришга қаратилган энг нозик жиҳатлар ҳам пухта ўйланган. Зеро, сайловлар демократиянинг энг асосий белгисидир.

Давра суҳбати давомида муҳокама этилаётган масалалар бўйича турли фикрлар, ёндашувлар билдирилди.

\* \* \*

1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафаев Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) амалдаги раисининг шахсий вакили Мартти Ахтисаари раҳбарлигидаги ЕХХТ делегацияси аъзолари билан учрашди.

Мамлакатимизда шу йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтажак сайловларга қизгин тайёргарлик кўрилаётгани таъкидланди. Икки палатали парламентнинг илк сайловига тайёргарлик доирасида Марказий сайлов комиссияси томонидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

М.Ахтисаари Ўзбекистонда бўлажак сайловларга ташкилий-молиявий жиҳатдан айниқса пухта тайёргарлик кўрилаётганини эътироф этди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнларни ёритиш учун оммавий ахборот воситаларига тегишли шарт-шароит яратилаётганлигини қўллаб-қувватлашини айтди. Бўлажак сайловларда ЕХХТ кузатувчилари миссиясига кўмаклашишга тайёргарлиги учун Ўзбекистон томонига ўз миннатдорлигини изҳор қилди.

Мулоқот чоғида сайлов комиссиялари фаолияти, сайлов кампанияси жараёнларининг оммавий ахборот воситаларида ошқора ёритилиш, эркин ва демократик сайловлар ўтказишда сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

\* \* \*

2004 йил 4—5 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида «Сиёсий партиялар ва сайловлар: жаҳон амалиёти ва Ўзбекистон қонунчилиги» мавзуида халқаро давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган. Унда Олий Мажлис депутатлари, партияларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари, сиёсий партиялар, нодавлат ва ноижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарлари ва фаоллари, шунингдек, дипломатик хизмат раҳбарлари, Буюк Британия, Германия, Италия, Россия, Украина, Япония ва бошқа мамлакатлардан келган сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, маҳаллий, хорижий ҳамда нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сиёсий партияларнинг фаолияти, ҳуқуқи, сайловлардаги иштироки масалаларига, сиёсий партиялар фракцияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҳамда партиялар қуйи ташкилотларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органларидаги фаолиятининг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди.



\* \* \*

20 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари томонидан Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш юзасидан мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Бўритош Мустафаев олиб борди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси депутатликка 120 номзод (119 номзод рўйхатга олинди), Ўзбекистон Халқ демократик партияси 120 номзод (118), Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси 89 номзод (89), Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси 62 номзод (61), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 76 номзод учун (74) ҳужжат тақдим этди.

Марказий сайлов комиссиясига рўйхатга олинган 150 дан ортиқ сайловчилар ташаббускор гуруҳидан 86 ҳужжат келиб тушди. Қолганлари 8 фоиз сайловчилар имзосини тўплай олмади.

22 та сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ҳужжатлари тегишли округ сайлов комиссиялари илтимосига биноан қайтарилди, 8 ташаббускор гуруҳ имзо варақаларида бир киши томонидан қўйилган бир неча имзолар аниқлангани боис, улар кўрсатган номзодларни рўйхатга олиш рад этилди. Ташаббускор гуруҳлар томонидан кўрсатилган депутатликка номзод сифатида 56 фуқаро рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссиясига жами 531 номзод рўйхати (517 номзод рўйхатга олинди) тақдим этилди. Ўртача ҳисобда битта сайлов округига 4—5 номзод тўғри келади (1990 йили ҳам бу кўрсаткич 4—5 кишини ташкил қилган). 14 киши рўйхатдан ўтмади, бу эса 2,6 фоизни ташкил қилади (1999 йилда 9,2 фоиз эди).

Шундай қилиб, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг янги босқичи — сайловолди ташвиқот даври бошланди. Шу боис, комиссия аъзолари сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш масаласи юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашишди.

Мажлисида Марказий сайлов комиссияси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

\* \* \*

25 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига номзодларнинг рўйхатга олиш юзасидан хорижий ва маҳаллий журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С. Ходжаева тўпланганларни депутатликка номзодларнинг тоифа тақсимоти бўйича таҳлилий маълумотлар билан таништирди. Таҳлилларга кўра «Адолат» социал-демократик партияси сайловларда 74 нафар номзод билан қатнашади. Бу жами номзодларга нисбатан 14,3 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткичлар Миллий тикланиш демократик партиясида — 61 (11,8 фоиз), сайловчилар ташаббускор гуруҳларида — 56 (10,8 фоиз), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясида 119 (23 фоиз), Фидокорлар миллий демократик партиясида — 89 (17,2 фоиз), Халқ демократик партиясида — 118 (22,8 фоиз) нафардан иборат.

Номзодлар кўрсаткичининг 92,1 фоизини ўзбеклар, 3,5 фоизини қорақалпоқлар, 1,2 фоизини руслар, 0,77 фоизини тожиклар, 0,58 фоизини қozoқлар ташкил қилади. Бундан ташқари, депутатликка номзодлар сафидан 7 миллат (қирғиз, украин, эроний, корейс, татар, бурят, бошқирд) вакиллари ҳам ўрин олган.

Бу йилги сайловларда анча демократик ўзгаришлар кўзга ташланади. Бу сайлов қонунчилигига доир ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ, аёллар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30 фоизини ташкил қилиши лозим. Таҳлилий натижалар эса хотин-қизлардан 162 нафар

номзод рўйхатга олинганлигини, бу жами номзодларнинг 31,3 фоизини қамраб олганлигини кўрсатмоқда.

Одатда, халқимизда 40 ва 50 ёшлар ўртасини ҳар томонлама етук давр деб ҳисоблашади. Бу сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва сиёсий партиялардан депутатликка номзодларнинг ёшида ҳам намоён бўлди. Айнан 41—50 ёшдаги номзодлар жами номзодларнинг 50,7 фоизини ташкил қилган. 30 ёшгача — 2,3, 31—40 ёшгача — 19,7, 51—60 ёшгача — 19,1 фоиз.

Шунингдек, номзодларнинг 98,8 фоизи олий, 0,82 фоизи тўлиқсиз олий, 0,38 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишилардир. Уларнинг мутахассислигида ҳам анчагина фарқ сезилади. Жумладан, номзодларнинг 15,5 фоизи иқтисодчилар, 14,7 фоизи ҳуқуқшунослар, 6 фоизи шифокорлардан иборат. 63,2 фоизи эса бошқа ихтисосдаги инсонлардир. Номзодларнинг орасида 17,7 фоизи фан номзоди, 7,98 фоизи фан доктори эканлиги ҳам қувонарлидир.

Номзодларнинг округлар бўйича тақсимоотида ҳам ўзгача бир руҳни сезамиз. 52 та округда — 4, 39 та округда — 5, 9 та округда 6 нафар номзод бир ўрин учун кураш олиб боради.

Учрашувда хорижий ва маҳаллий журналистлар саволларига ҳам жавоб қайтарилди.

\* \* \*

30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида шу йил 26 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлажак сайловларда иштирок этадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилари миссиясини рўйхатга олишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизга ташриф МДХ Ижроия қўмитаси раиси — МДХ ижрочи котиби Владимир Рушайло бошчилигидаги делегация қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Бўритош Мустафаев мамлакатимизда Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига мутлақо янги асосда ташкил этилган сайловларни ўтказишга тайёргарликнинг бориши ҳақида сўзлади. Ўзбекистон тарихида биринчи марта икки палатали парламент шакллантирилмоқда, бу эса мамлакатимизда демократик ислохотлар янада чуқурлашаётганидан далолат беради. Сайлов кампаниясида бешта сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари иштирок этмоқда. Сайловга тайёргарлик очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик руҳида бормоқда. Ҳамдўстлик мамлакатларидан халқаро кузатувчилар миссиясининг рўйхатдан ўтиши ҳам бунга тасдиқлайди.

Учрашув қатнашчилари МДХ миссиясининг бўлғуси фаолияти билан боғлиқ қатор масалаларни муҳокама этдилар.

Учрашув якунлангач, Владимир Рушайло матбуот учун баёнот берди. У миссия МДХ мамлакатларида ўтказилган сайловларни кузатиш борасида катта тажриба тўплаганини таъкидлади. Жумладан, МДХ кузатувчилари Ҳамдўстликнинг етти давлатида ўтган 17 сайлов ва референдумда қатнашган. Бугундан эътиборан МДХнинг беш нафар доимий кузатувчиси Ўзбекистонда шундай иш бошлайди. Бундан ташқари, тез орада Ҳамдўстлик мамлакатлари кузатувчиларининг аниқ сони ҳам маълум бўлади. Улар сайлов округларида Ўзбекистон сайлов қонунчилигига риоя этилишини бевосита сайлов арафасида ва сайлов вақтида назорат қиладилар. Кузатувчилар сайловдан бир неча кун олдин мамлакатимизга келади. В.Рушайло республика раҳбарияти ва шахсан Президент Ислам Каримовга мамлакатимизда МДХ халқаро кузатувчилари миссияси ишига кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорчилик билдирилди.